VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

48 (480) ● 2017 йил 22 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП – www.mt.uz | Таҳририят – www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан 21 ноябрь куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди.

Аввал хабар қилинганидек, олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг кенг кўламли масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий-сармоявий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги давлатлараро алоқаларни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари Миллий Ассамблея Спикери ва Корея Республикаси Бош вазири билан ҳам учрашади, икки давлатнинг етакчи иқтисодий ва молиявий тузилмалари раҳбарлари, йирик ишбилармонлар иштирокидаги Ўзбекистон – Жанубий Корея бизнес форумида иштирок этади.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларининг Стратегик шерикликни ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёноти қабул қилиниши, шунингдек, турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга доир кўплаб ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар, тижорат келишувлари ва шартномалари имзоланиши кутилмоқда.

ЎзА

ХАЛҚИМИЗ ДАСТУРХОНИ САРХИЛ МЕВАЛАР, СИФАТЛИ ВА АРЗОН МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎКИН БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 20 ноябрь куни бозорларни қиш-баҳор мавсумида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, уларни қайта ишлаш кўламини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ҳўл мева-сабзавотлар экспортини кенгайтириш, шунингдек, полиз ва мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, узум харид қилиш бўйича 2018 йилга мўлжалланган давлат буюртмасини шакллантириш вазифалари ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда ҳукумат аъзолари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини бажаришга масъул вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ер майдонларини кенгайтириш, уларни қайта ишлаш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кўпайтиришни рағбатлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ички истеъмол бозорини қиш-баҳор мавсумида барқарор таъминлаш мақсадида мева-сабзавот маҳсулотларини захирага ғамлаш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар эҳтиёжини таъминлаш бўйича давлат буюртмаси тизими жорий қилинди.

Жорий йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харидоргир турларини такрорий экиш майдонлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Сентябрь-октябрь ойларида такрорий экиндан етиштирилган қарийб 65 минг тонна маҳсулот экспорт қилинди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

Йил бошидан буён мева-сабзавот маҳсулотлари 54 мамлакатга экспорт қилинди. Бангладеш, Филиппин, Сурия, Тайван, Иордания, Македония ва бошқа мамлакатларда янги бозорлар ўзлаштирилди.

2-бет

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 20 ноябрь куни жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, ички ишлар вазири, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар қўмитаси раҳбарлари иштирок этди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида аниқ вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлари, Президентимизнинг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди, давлат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик олдида турган муҳим вазифалар аниқ ва равшан белгилаб олинди.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
Ф А Р М О Н И

ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҲУНАРМАНДЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва кўпайтириш, миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шу асосда аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар республикамизда миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини (кейинги ўринларда ҳунармандчилик деб аталади) янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

биринчидан, ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар ва оилалар, айниқса, янгитдан ўз фаолиятини бошлаган ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, "Уста-шогирд" мактаблари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ва шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш;

иккинчидан, ҳунармандчилик субъектларига давлат рўйхатидан ўтишда кўмаклашиш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, уларни асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хомашё ва материаллар билан узлуксиз таъминлаш, уларга имтиёзли кредитлар бериш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

учинчидан, халқ ҳунармандчилиги ва ижодий анъаналари кенг ривожланган шаҳар ва туманларда ҳунармандчиликни ривожлантириш марказлари ташкил этиш, ҳунармандчиликнинг ноёб турларини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш, истеъмолчиларга ҳунармандчилик маҳсулотлари етказиб бериш учун бозор инфратузилмасини шакллантириш;

тўртинчидан, ҳунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантириш, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини тақдимот қилишга кўмаклашиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва "Ҳунарманд" уюшмасининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

"Ҳунарманд" уюшмасини Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига уюшган аъзо сифатида аъзолик бадали тўловисиз киритиш;

"Ҳунарманд" уюшмаси раисини мавқеи бўйича Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосарига, "Ҳунарманд" уюшмасининг ҳудудий бошқарма бошлиғини Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқарма бошлиғи ўринбосарига тенглаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги туман ва шаҳар Тадбиркорларга кўмаклашиш марказлари томонидан ҳунармандларга ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиши бўйича сўзсиз равишда хизматлар кўрсатиш, жумладан, ўз бизнесини ташкил этиш ва ривожлантириш кўникмаларига ўргатиш, ҳунармандчилик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, янгитдан ўз фаолиятини бошлаётган ҳунармандчилик субъектларига кўргазмалар ташкил этишни назарда тутиш.

3. 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб ҳунармандчилик субъектлари – "Ҳунарманд" уюшмасининг аъзолари:

ҳунармандчилик фаолияти маҳсулотлари (товар, иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқдан озод этилиши;

ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўловидан озод этилиши;

қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган ҳунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадалининг 50 фоизини тўлаши белгилаб қўйилсин.

4. Қуйидагилар:

ҳунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари, ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган буюм ва товарлар (иш, хизматлар) турларининг янгиланган рўйхати 1-иловага мувофиқ;

2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасида ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш йиғма дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 2-иловага мувофиқ, шунингдек, 2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишнинг манзилли дастурлари 2.1-2.14-иловаларга мувофиқ;

2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳунармандчилик объектларини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда Комплекс чора-тадбирлар деб аталади) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.И.Икромовга, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А.А.Хаитовга, "Ҳунарманд" уюшмаси раҳбарларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига, вазирлик, идора, тижорат банклари ҳамда масъул ижрочи ташкилотлар раҳбарларига Дастур ва Комплекс чора-тадбирларни белгиланган муддатларда сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, "Ҳунарманд" уюшмаси, бошқа масъул вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда ҳудудий комиссиялар деб аталади) 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Қуйидагилар ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

3-бет

☑ Муносабат

МИЛЛИЙ МУМТОЗ НАВОЛАР – ХАЛҚИМИЗ ИЖОДИЙ ТАФАККУРИ МАҲСУЛИ

Катта ашула ноёб, айни пайтда гоят машаққатли санъат туридир. Қўшиқчилик санъатининг ўзига хос ва бетакрор йўналишларидан бири сифатида уни ижро этиш учун санъаткор нафақат соҳир овоз соҳиби, балки юксак бадиий дид, халқимиз тарихи ва маданиятидан воқиф бўлиши лозим.

Мамлакатимизда миллий қадриятларимиз, жумладан, бой маданий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган қўшиқ ва ашула ижрочилигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрда қабул қилган "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори уни сақлаш ва янги босқичга олиб чиқишда дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

Фармонга мувофиқ, Ўзбек миллий мақом санъати маркази фаолиятининг ташкил этилиши соҳанинг ривожланиши, унда меҳнат қилаётган барча фидойиларнинг бир мақсад йўлида бирлашишига хизмат қилади. Марказ зиммасига мақом санъатини ривожлантиришда шаклланган ижро ҳамда ижодий мактаблар ва анъаналарни, буюк бастакорлар, ҳофиз ва созандалар меросини чуқур илмий асосда ўрганиш, қайта тиклаш вазифалари юкланмоқда. Бу эса ёшларимиз, хусусан, соҳага энди кириб келаётган истеъдод эгаларига нафақат мақом ижро этиш, балки унинг илмий асоси, тарихи ва бугунини ўрганиш, санъатнинг буюк дарғалари ҳаёти ва ижоди билан батафсил танишиш имконини беради.

4-бет

☑ Брифинг

САЙЛОВГА ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Шу йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Мазкур сайлов кампанияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2017 йил 15 сентябрдаги қарори билан 23 сентябрдан бошланди.

Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов жарёни тўғрисида сайловчиларни хабардор этиш мақсадида ташкил этилган брифингда шу ҳақда сўз борди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси Ҳамид Каримовнинг сўзларига кўра, ушбу сиёсий жараён Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг "Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича тадбирлар дастури" асосида босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Дастурга мувофиқ, Тошкент шаҳрида ташкил этилган тегишли туман сайлов комиссиялари 19 ноябрга қадар депутатликка номзодларни рўйхатга олиш бўйича ўз йиғилишларини ўтказди. Рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабар яқин кунларда маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

4-бет

☑ Семинар

САМАРҚАНДДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАН СЎНГ

ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ МАЗКУР КОНФЕРЕНЦИЯ АҲАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ЭТИШГА КИРИШДИ

Шу йилнинг 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ шафелигида ўтказилган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзуидаги халқаро конференция, унда давлатимиз раҳбари нутқида минтақа ҳаётига оид илгари сурган долзарб таклиф ва ташаббуслар кенг жамоатчилик томонидан қизғин қарши олиниб, мазмун-моҳияти ўрганилмоқда, кенг тарғиб этилмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган "Марказий Осиё минтақасида тараққиёт, барқарорлик ва фаровонликни таъминлашдаги устувор вазифалар" мавзусидаги семинар ҳам айни шу мақсадга қаратилди. Унда партия Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят кенгаши ходимлари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

4-бет

MILLIY TIKLANISH – мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи – 158

MILLIY TIKLANISH
48 (480) 2017 йил 22 ноябрь, чоршанба

ХАЛҚИМИЗ ДАСТУРХОНИ САРХИЛ МЕВАЛАР, СИФАТЛИ ВА АРЗОН МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎКИН БЎЛАДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Ички истеъмол бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари нархининг ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нарх-навони мониторинг ва назорат қилиш республика комиссияси тузилди. Импорт орқали бозорларни танқис ва юқори нархдаги маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди. Ҳудудлар кесимида 490 минг тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини келгуси қиш-баҳор мавсуми учун ғамлаш параметрлари тасдиқланди.

Бу борада амалга оширилган ижобий ишларни қайд этган ҳолда, айрим ҳудудларда қиш-баҳор мавсуми учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш етарли даражада ташкил этилмагани жиддий танқид қилинди. Хусусан, Президентимиз томонидан Тошкент шаҳри, Бухоро, Наманган ва Сирдарё вилоятлари бўйича берилган топшириқлар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, Тошкент, Наманган, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш жараёнида тижорат банклари томонидан сусткашликка йўл қўйилаётгани аниқ рақам ва далиллар асосида кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари қиш-баҳор мавсумида халқимиз дастурхони сархил мевалар, сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўкин бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Қиш-баҳор мавсумида халқимизнинг арзон маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун ноябрь ойи охирига қадар қўшимча равишда яна 330 минг тонна маҳсулот ғамлаш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Бу масалада "Ўзбекозиқовқатзахира" уюшмаси раҳбарияти зиммасига катта масъулият юкланди. Жорий йил октябрь ойида уюшмада амалга оширилган туб ўзгаришлар, унинг таркибига кирувчи ташкилотларга тақдим этилган имтиёз ва преференция бунга кенг имконият яратади.

Тижорат банкларига тайёрлов корхоналарини томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлардан сотиб олиш учун ажратилаётган имтиёзли кредит ресурслари ҳажмини сезиларли ошириш тавсия этилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини такрорий экиш ҳажмини ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, ҳўл мева-сабзавот экспортини кенгайтириш бўйича мавжуд имкониятлар етарлича ишга солинмаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси ва "Ўзагроэкспорт" акциядорлик жамияти раҳбарлари томонидан экспорт қилинаётган маҳсулотлар тури ва ҳажмини кенгайтириш бўйича деҳқон ва фермер хўжаликларига кўмаклашиш борасида йўл қўйилаётган камчиликларга алоҳида урғу берди. Тошкент, Қашқадарё, Наманган вилоятлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида бу борадаги ишлар етарли даражада амалга оширилмаётгани танқид қилинди. Шу билан бирга, мазкур йўналишда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган 66 туман ҳокимлари ишига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада юксалтириш ва ташқи бозорга ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини ошириш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида ҳукуматга "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси, Марказий банк ва тижорат банклари билан биргаликда ўн кун муддатда Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлигининг 200 миллион долларгача бўлган молиявий маблағини жалб қилган ҳолда ҳудудларда йирик логистика марказлари ташкил этиш бўйича дастур ишлаб чиқиш юзасидан топшириқ берди. Ушбу логистика марказлари замонавий стандартларга жавоб бериши ва мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, ташиш, экспорт қилиш учун барча зарур шароитларга эга бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда полиз ва мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, узум харид қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича 2018 йилга мўлжалланган давлат буюртмаси параметрларини шакллантиришга доир чора-тадбирларга аълоҳида эътибор қаратилди. Ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар ва давлат буюртмасининг асосий параметрлари тўғрисида ахборот берилди.

Президентимиз ҳар бир ҳудуд кесимида аниқ босқичлар, муддатлар ва масъул ижрочиларни белгилаган ҳолда, 2018 йилга мўлжалланган давлат буюртмасини таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқишга доир топшириқлар берди. Ички истеъмол бозорида, айниқса, қиш-баҳор мавсумида нарх-навонинг ошиб кетиши ва танқислиққа йўл қўймаслик мақсадида ички бозорга мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш ва уларни экспорт қилиш мувозанатини таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда аҳолининг шакар, тухум, балиқ, гўшт ва ёғ каби кундалик зарур маҳсулотларга бўлган талабини қондириш, уларни барқарор нархларда етказиб бериш юзасидан тегишли идоралар масъуллари, барча туман ва вилоят ҳокимларига аниқ топшириқлар берилди.

Ҳўл мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари, картошка, узум харид қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат буюртмаси параметрларининг сўзсиз бажарилишини тизимли равишда назорат ва мониторинг қилиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

ЎзА

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Таъкидланганидек, ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ички ишлар органлари тизими тубдан такомиллаштирилди, профилактика инспекторларининг билими ва касб тайёргарлигини ошириш, улар учун муносиб иш шароити яратиш, ўз вазифаларини бажариш натижадорлиги учун моддий рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш ҳамда бевосита ўзларига бириктирилган ҳудудда хизмат турар жойи билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Натижада жорий йилнинг ўн ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жиноят содир этиш ҳолатлари 9 минг 698 тага ёки 14 фоизга, жиноят-қидирув йўналишида эса 4 минг 562 тага ёки 11 фоизга камайишига эришилди.

Айни пайтда маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган кенг кўламли профилактик тадбирлар туфайли 1 минг 243 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд, Хоразм, Наманган вилоятларида, куни кеча пойтахтимизнинг Сергели туманига ташриф буюрганида ҳам "Хавфсиз ҳудуд", "Хавфсиз шаҳар" концепцияларига алоҳида эътибор берди. "Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак", деган туйғуни ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар онгида шакллантириш, бефарқлик, лоқайдликка барҳам бериш, пировардида, ҳар бир оила, таълим муассасаси, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг муҳим шарти эканини таъкидлаб келмоқда. Бу борада Наманган шаҳридаги Орзу маҳалласи, Хоразм вилоятидаги "жамоатчилик назорати масканлари" фаолиятидаги ижобий тажрибаларни ўрганиш, уларни барча ҳудудларга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз раҳбарлигида жорий йил 15 ноябрь куни ўтказилган йиғилишда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳар томонлама таҳлил қилиб берилди. Бу борада давлат идоралари ва жамоатчилик тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги қайд этилди.

Йиғилишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунида ўтказилаётган тадбирларда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги сезилмаётгани, айрим ҳудудларда аҳоли билан манзилли профилактик тадбирлар етарли даражада олиб борилмагани оқибатида олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар содир этилаётгани таъкидланди.

Ўтган даврда 7730 та маҳаллада жиноят содир этилган. Энг ачинарлиси, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан 875 та, мактаб ўқувчилари томонидан 310 та оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилган.

Йиғилишда бундай салбий ҳолатлар давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилмагани оқибатида юзага келаётгани қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги борасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар тўғрисида алоҳида тўхталиб, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳар бир идора ўз билганича иш тутиб келаётгани, аксарият тадбирларда муаммонинг ечимига умумий ёндашилаётганини таъкидлади. Шу муносабат билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш чоралари кўрилиши юзасидан зарур топшириқлар берди.

15 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилган Ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссиясининг ташкил этилиши ва унинг фаолият йўналишлари билан боғлиқ масалаларга тўхталди.

Эндиликда ички ишлар, прокуратура, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик учун омил бўлаётган ишсизлик, гиёҳвандлик, қаровсизлик, оилавий низолар ва шу каби бошқа иллатларнинг вақтида олдини олиш чораларини кўриши зарур. Шунингдек, умумийликдан қочиши, бунинг учун ягона мақсад сари интилиб, ҳамкорликда фаолият олиб бориши, ҳар бир муаммога аниқ режа асосида ёндашиш лозим.

Бундан буён вилоят даражасидаги сектор раҳбарлари ҳар 15 кунда марказий телевидение орқали ҳамда барча туман-шаҳар сектор раҳбарлари маҳаллий телевидение орқали махсус кўрсатувларда ҳудудлардаги жиноятларнинг сабаблари, уларни аниқлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида аҳолига тушунтириш ва ҳисобот бериб бориши йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари суд, прокуратура ва ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида алоҳида тўхталиб, жиноятларнинг яширилишига фавқулодда ҳолат сифатида қаралиши лозимлиги, қамоқ айбдорларни тарбиялашнинг асосий воситаси бўлмаслиги, уларга жазо тайинлашда айбдорнинг шахси ва бошқа ҳолатларни атрофлича ўрганиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Айниқса, вояга етмаганлар ва аёлларга жазо тайинлашда судларнинг чуқур мулоҳаза юритиши лозимлиги таъкидланди.

Президентимиз жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айлантириш лозимлигини таъкидлаб, бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш зарурлигини қайд этди.

ЎзА

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА САМАРАЛИ ЁНДАШУВЛАР

Тошкентда 21 ноябрь куни "Инсон ҳуқуқлари соҳасида тараққиёт мезонларини ўлчаш бўйича қиёсий кўрсаткичлар: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида халқаро конференция бошланди.

Конференция Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ва унинг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлими, БМТ Тараққиёт дастури ва Ф.Эберт номидаги жамғарманинг (Германия) мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамда ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, унинг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлими, ЕХҲТ демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, БМТ Тараққиёт дастурининг Истанбул шаҳридаги минтақавий маркази экспертлари, шунингдек, Словакия, Хитой ва бошқа мамлакатлардан таниқли сиёсатшунос ва ҳуқуқшунослар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ижро ва суд ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари, таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Халқаро конференциянинг мақсади бутун дунёда инсон ҳуқуқлари соҳасида тараққиёт мезонларини ўлчаш бўйича халқаро амалиётни ўрганиш, миллий кўрсаткичларни белгилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг алоҳида тоифалари, жумладан, фуқаролик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳуқуқлар ҳамда глобаллашув ва ахборот технологиялари шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилишни таъминлашга доир кўрсаткичларни ишлаб чиқишдан иборат.

Анжуманда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар самарадорлигини баҳолаш, гендер тенглиги даражаси ва инсон ҳуқуқларига риоя қилишни ўлчаш индикаторлари, инсон ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш даражасини ўлчаш учун қиёсий кўрсаткичлар каби йўналишларда миллий ва халқаро тажриба муҳокама этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари С.Грауманн ва бошқалар Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократия ва инсон ҳуқуқларининг замонавий мезонларига жавоб берадиган барқарор сиёсий тизим яратилди. Давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини кафолатлайдиган қонунчилик базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ чоралар амалга оширилди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида "Инсон ва унинг қадр-қиммати" деган улуғ тушунча марказий ўринга қўйилди. Буни амалда таъминлаш механизм ва кафолатлари қонунларимизда мустаҳкамланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш мақсадида 2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Президентимизнинг жорий йил 7 февралдаги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди.

Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 20 дан ортиқ қонун, Президентнинг 700 дан ортиқ фармон ва қарорлари, Ҳукумат ҳужжатлари қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлардан мақсад мамлакатни янада модернизациялаш, қонун ва инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг фаровонлигини яхшилашдан иборатдир.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатга қўшилган, жумладан, БМТнинг ўнта асосий ҳужжатини ратификация қилган. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига риоя этиш ҳамда уни ҳимоя қилиш борасидаги мажбуриятларини тўла бажариб келмоқда.

Давлатимиз БМТнинг устав ва шартномавий органлари, ихтисослаштирилган муассасалари ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг махсус тартиботлари билан фаол ва амалий мулоқотни қўллаб-қувватлайди. БМТнинг инсон ҳуқуқлари Кенгаши махсус тартиботлари билан ҳамкорлик уларнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилмоқда.

2017 йилда Ўзбекистонга БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Ҳусайн, БМТнинг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид ташриф буюрди.

Олий комиссар ташрифи якунлари бўйича мамлакатимиз парламенти томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Ушбу ҳужжат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида 90 дан ортиқ тадбирни ўз ичига олган.

– 2017 йил Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилган йил сифатида тарихда қолади, – деди БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлими бошлиғи Ришард Коменда. – Ушбу йўналишдаги ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар халқаро стандартларга мослиги, уларда инсон манфаатлари амалда ўз ифодасини топаётгани диққатга сазовор. Ўзбекистон парламенти томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар режасига мувофиқ ўтказилаётган ушбу конференция ҳамкорликдаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини қонунчиликка биноан ҳимоя қилишда фаол иштирок этмоқда. Жорий йилда юртимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг судга дахли бўлмаган янги механизми – Бизнес омбудсман ташкил этилди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқларининг ҳар хил тоифалари таъминланган ҳолда вазият мониторингини олиб бориш, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича маърузалар тайёрлаш, шунингдек, БМТнинг устав ва шартномавий органлари тавсияларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш бўйича катта тажриба тўпланди.

Ўтган йиллар мобайнида БМТнинг шартномавий органларига Ўзбекистоннинг 35 дан ортиқ маърузаси тақдим этилди. Давлат органлари томонидан фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маърузаларни кўриб чиқиш якунларига оид БМТнинг шартномавий органлари тавсияларини бажариш юзасидан 10 дан ортиқ Миллий ҳаракатлар режаси амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, амалиёт инсон ҳуқуқларини самарали амалга ошириш, инсон ҳуқуқларининг у ёки бу соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишни давом эттириш тегишли воситалар мавжудлигига боғлиқлигини кўрсатмоқда. Зеро, кўрсаткичлар тараққиёт мезонларини ўлчашда муҳим воситадир. Уларнинг қўлланилиши инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ реал вазиятни ўрганиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш бўйича келгуси вазифаларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Кўрсаткичлардан миллий даражада кенг фойдаланилади ва самарали бошқаришда ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари бўйича кўрсаткичлар ва йўналишларни қўллаш давлатга инсон ҳуқуқларини имплементация қилишда самарали мониторинг олиб бориш ва тараққиёт мезонларини баҳолаш имконини беради, бу йўлдаги тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этишга кўмаклашади.

Мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналишини амалга ошириш доирасида қонун устуворлигини ҳамда суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш бўйича қонуний ва ташкилий чора-тадбирлар қабул қилинмоқда. Жаҳон стандартларига мувофиқ судьялар ҳамжамиятининг янги конституциявий органи – Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Суд ваколатлари муддати узайтирилди. Суд томонидан асоссиз равишда ишларнинг чўзилишига йўл қўймаслик учун ишларни кўриб чиқиш муддати тубдан ўзгартирилди. Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни қамоқда сақлаш муддати 72 соатдан 48 соатгача қисқартирилди, адвокатларнинг суд фаолиятидаги роли кучайтирилди. Мазкур чоралар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши ва шартнома асосидаги органлари томонидан Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича йиллик ҳисоботларини кўриб чиқишда билдирилган тавсияларга тўла жавоб беради.

– Ўзбекистонда БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда, – деди БМТ Тараққиёт дастурининг Истанбул шаҳридаги минтақавий маркази маслаҳатчиси Изабель Чан. – Мамлакатингиз билан ҳамкорлигимиз мазкур мақсадларни амалга ошириш йўлидаги иқтисодий, ижтимоий, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни ривожлантиришга доир масалаларни ҳал қилишга қаратилган. Ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан ишлаш жараёнида биз инсон ҳуқуқлари соҳасида ўзгаришлар ясайдиган индикаторлар киритишни мўлжалламоқдамиз.

Халқаро конференцияда БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш бўйича қўмитаси раиси, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Россия Федерацияси, Тожикистон Омбудсманлари, шунингдек, Озарбайжон ва Польша Омбудсман институтлари вакиллари иштирок этди.

– Мен ўтган йили ҳам Ўзбекистонга келган эдим ва бир йил ичида жамиятингизда улкан ўзгаришлар рўй берганига гувоҳ бўлдим, – деди Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Татьяна Москалькова. – Бу янгиланишлар, биринчи навбатда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг фуқаролик жамиятига бутунлай янгича муносабатни шакллантиргани билан боғлиқ. Бугун Президентнинг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари ҳар бир фуқарога давлат органлари билан мулоқот қилиш ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш, нотўғри қарорлар текширилишини талаб қилиш имконини бермоқда. Мамлакатингизда дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида ҳам ижобий ишлар қилинмоқда. 2017 йилнинг ўтган даврида ноқонуний диний оқимларга адашиб кириб қолган 16 минг фуқаро диний оқимларга мойил шахслар рўйхатидан чиқарилгани ва соғлом жамиятга қайтарилганининг ўзи инсон ҳуқуқларига катта аҳамият қаратилаётганидан далолатдир.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралиши ва халқаро шериклар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилишини қайд этди.

Халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонни янада ривожлантириш доирасида инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳимоялангани нуқтаи назаридан давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий, экологик, ҳуқуқий сиёсатини баҳолаш индикаторлари тўпламини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Конференциянинг ялпи ва шўъба йиғилишларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тараққиёт мезонлари, бу борадаги халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси, мазкур йўналишда халқаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Халқаро анжуман доирасида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга бағишланган кўргазма ташкил этилди.

Конференция 22 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида ўз ишини давом эттиради.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҲУНАРМАНДЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

тегишли ҳудудларда манзилли Дастур ва Комплекс чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ҳунармандчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни, жумладан, уларга ер майдони, бинолар ажратиш, уларни ишлаб чиқариш ва коммуникация объектларига уланиш, кредит ресурслари ва хомашё билан таъминлаш масалаларини ўз вақтида ҳал этиш;

ҳудудларда ҳунармандчиликни ривожлантириш марказларини қуриш ва реконструкция қилиш, жумладан, ушбу марказлар қурилишининг манзилли рўйхатини ишлаб чиқиш, уларга ҳунармандчилик субъектларини жойлаштириш, қурилаётган объектларнинг намунавий лойиҳасини тасдиқлаш ишларини мувофиқлаштириш;

ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сотиш, шунингдек, экспорт қилишга кўмаклашиш бўйича ҳудудларда чора-тадбирларни амалга оширишни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан аҳолини ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик соҳаларида бандлигини ошириш учун ҳунармандчилик ва тадбиркорлик субъектларига имтиёзли микрокредитлар бериш бўйича, банк кредит сиёсатига аралашмаган ҳолда, "Микрокредитбанк" АТБ тавсиялар тақдим этиш.

6. Ҳунармандчилик фаолияти субъектлари – "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоларига имтиёзли микрокредитлар бериш, шунингдек, 5-иловадаги схемага мувофиқ ҳунармандчиликни ривожлантириш марказлари қуриш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкининг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 5 йил муддатга мўлжалланган жами 50 миллион АҚШ доллари миқдорида, жумладан "Микрокредитбанк" АТБ, "Халқ банки" АТБ ва "Агробанк" АТБ (кейинги ўринларда тижорат банклари деб аталади) учун 2 йил имтиёзли давр билан 2,5 фоизли йиллик ставка бўйича кредит линияси очиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бир ой муддатда юқорида қайд этилган тижорат банкларига улар томонидан ҳунармандчилик фаолияти субъектларига миллий валютада имтиёзли микрокредитлар ажратиш учун кредит линиялари очишни қуйидаги шартларда таъминласин:

имтиёзли микрокредитлар олти ой имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда, икки йил муддатга, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бароварида ошмаслиги зарур;

ўзларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар харид қилишда имтиёзли микрокредитларнинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизини, айланма маблағларини тўлдириш учун эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш фоиз ставкаси даражасини ташкил этиши;

имтиёзли микрокредитлар пул маблағларини қарз олувчининг ссуда ҳисобрақамидан унинг тўлов топшириқномасига мувофиқ, ушбу Фармонда назарда тутилган мақсадлар учун тегишли ташкилот ёки жисмоний шахснинг талаби бўйича депозит ҳисобрақамига ўтказиш йўли билан кейинчалик ушбу ташкилот ёки жисмоний шахсга хизмат кўрсатувчи банк тариф сиёсатига мувофиқ, нақд пул олиш имконияти билан тақдим этилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ташаббускорлар ва тижорат банкларининг кредит маблағларини жалб этган ҳолда, 6-иловадаги рўйхатга мувофиқ, 2018-2019 йилларда ҳунармандчиликни ривожлантириш марказларини ўз вақтида қуриш ва фойдаланишга топширишни қуйидагиларга эътиборни қаратган ҳолда таъминласин:

ҳунармандчиликни ривожлантириш марказларини тарихий-анъанавий архитектура услубида қуриш, уларга зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини тортиб бориш ва ҳудудларида карвонсарой (меҳмонхоналар), кафе, ресторан ва туристларни жалб этиш учун бошқа объектларни жойлаштириш;

ҳунармандчиликни ривожлантириш марказлари ҳудудида "тарихий шарқ бозори" услубида савдо расталари ва халқ ижоди (дорбоз, полвон, масхарабозлар ва бошқалар) кўргазмалари учун махсус жойлар ажратиш;

мазкур марказларда қурилаётган турар жой биноларининг биринчи қаватида устахона ва савдо иншоотлари, юқори қаватларида ҳунармандлар учун турар жойлар ташкил этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3268-сон қарори билан тасдиқланган миқдорда 2017-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ҳунармандчиликда аҳоли бандлигини оширишга имтиёзли микрокредитлар ажратиш учун "Микрокредитбанк" АТБга йиллик 2 фоизли ставка бўйича 50 миллиард сўм миқдорида ресурслар ажратилишини;

банд бўлмаган аҳолига, айниқса, ёшларга "Уста-шогирд" усулида такомиллаштирилган ўқув дастурлари бўйича ҳунармандчилик сир-асрорларини ўқитиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 2018-2019 йилларда 1 миллиард сўм миқдорида маблағлар ажратишни таъминласин.

9. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси, шунингдек, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлган ва мазкур Фармоннинг 1-иловасига мувофиқ ҳунармандчилик фаолиятини амалга оширувчиларга берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Савдо-саноат палатаси, "Ҳунарманд" уюшмаси билан биргаликда ҳунармандлар томонидан, айниқса, ҳунармандчилик билан шуғулланувчи қизларга мини-технологиялар, асбоб-ускуна ва зарур жиҳозларни сотиб олиш учун, шунингдек, айланма маблағларни тўлдириш учун имтиёзли кредитлар берилишини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, ёш ҳунармандлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий суғурта тўловлари олинган кредитлар тўлови сифатида ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига:

тижорат банкларининг буюртманомалари бўйича ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоларига ажратилган микрокредитларни тўлаш ҳисобига келиб тушган миллий валютадаги маблағларини конвертация қилишни амалга ошириш;

тижорат банклари ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда тижорат банкларининг расмий веб-саҳифаларида ҳунармандчилик фаолияти субъектлари учун имтиёзли микрокредитлар тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида олиш имкониятини берувчи электрон хизматларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Ҳунарманд" уюшмасининг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ҳунармандчиликнинг талаб юқори бўлган турлари бўйича касб-ҳунар таълими йўналишларини очиш, 7-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилаётган касб-ҳунар коллежларида ўқитувчи ва касбий таълим устаси сифатида "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо ҳунармандларни кенг жалб қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

"Ҳунарманд" уюшмасига аъзо ҳунармандларга касб-ҳунар коллежларининг махсус устахоналарида ҳунармандчилик бўйича таълим беришда якка тартибдаги тадбиркорлар каби шартнома тузиш ва кўрсатилган хизмат учун солиқ тўламаслик ҳуқуқи берилади;

"Уста-шогирд" мактаби ўқувчиси сифатидаги иш даври 25 ёшга етгунга қадар энг кам ойлик иш ҳақининг камида 2,5 баробари миқдорида суғурта тўлови тўланган тақдирда меҳнат стажига қўшилади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ҳунармандчилик билан шуғулланувчи шахслар учун ташқи реклама воситасини жойлаштирганлик учун маҳаллий бюджетга тўловнинг амалдаги ставканинг 50 фоизидан ошмайдиган имтиёзли тартибини жорий этсин;

икки ойлик муддатда бозорлар, туристик, меъморий-маданий объектлар ҳудудларида, шунингдек, йирик савдо марказларида ҳунармандларга ўз маҳсулотларини сотиш учун барча зарурий шарт-шароитларга эга бўлган савдо расталари ташкил этилишини таъминласин.

13. Белгилансинки:

ҳунармандларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасарруф этиш, шу жумладан, банк ҳисобрақамидаги чет эл валютасини нақд шаклда олиш ҳуқуқи берилади;

хорижий мамлакатларда ўтказилган кўргазма, танлов, ярмарка давомида сотилган ҳунармандчилик маҳсулотлари экспорт шартномалари тузилмасдан амалга оширилиши мумкин, бунинг натижасида олинган даромад эса экспорт тушуми ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Савдо-саноат палатаси, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк, "Ҳунарманд" уюшмаси билан биргаликда:

икки ой муддатда хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов, ярмаркаларда намойиш этиш учун ҳунармандчилик маҳсулотлари олиб чиқишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

ташқи бозорларда миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини кенг танитиш функциясини ўзига оладиган Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектларининг хорижий мамлакатларда очилган савдо уйлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг чет элдаги савдо-инвестиция уйлари жалб этилишини таъминласин;

бир ой муддатда маҳаллий тадбиркорларнинг хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда кенг иштирок этишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Ҳунарманд" уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда халқимизнинг кўп асрлик анъаналари ва маданий ҳаётини кенг ёритиш, халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатини намойиш этишга йўналтирилган "Шарқ марвариди" Ўзбекистон анъанавий санъат халқаро фестивалининг ҳар йили сентябрь ойида ташкил этилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, "Ҳунарманд" уюшмаси, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

8-иловага мувофиқ, 2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳунармандчиликнинг турли йўналишлари бўйича кўргазма ва фестиваллар, халқаро конференциялар ўтказиш чора-тадбирлари ўз вақтида амалга оширилишини;

ҳар йили ҳунармандчилик маҳсулотларининг "Олтин қўл ҳунарманд" халқаро кўргазмаси ташкил этилишини таъминласин.

16. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

доимий савдо жойларига эга бўлмаган ва вақтинчалик жойларда савдо қилувчи ҳунармандлар томонидан касса аппаратлари ва савдо терминалларидан фойдаланиш, шунингдек, савдодан тушган нақд пул тушумини тижорат банкларига инкассация қилиш ихтиёрий тартибда амалга оширилади;

ҳунармандлар учун давлат мулки объектлари учун ижара тўлови белгиланган энг кам тўловнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади;

ҳунарманд хусусийлаштириш дастури доирасида ("ноль" харид қийматида) сотиладиган давлат мулки объектини олиш хоҳишини билдирган тақдирда, ушбу объект ҳунармандга баҳоланган қийматида (бошланғич инвестиция мажбуриятлари билан) очиқ савдоларга (танловга) қўйилмасдан тўғридан-тўғри шартнома асосида сотилади (берилади);

бир нечта ҳунарманд бир объектни ("ноль" харид қийматида) олиш истагини билдирган тақдирда, ушбу объект белгиланган тартибда очиқ савдога (танловга) қўйилади ва унда фақат ушбу ҳунармандлар иштирок этади.

Белгилансинки, ушбу бандда кўрсатилган шартлар асосида ҳунармандларга берилган объектлардан камида 5 йилдан кам бўлмаган вақт давомида ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланилиши лозим.

17. Ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун хомашё ва материаллар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида:

"Ўзбекипаксаноат" уюшмаси "Ҳунарманд" уюшмасининг буюртманомалари бўйича ҳунармандларга ипак хомашёси ва ипак толасини ажратилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари икки ой муддатда ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланувчи ҳунармандларга ўз фаолиятини амалга ошириш учун хомашё сифатида ишлатиладиган дарахт турларини экиш ва парвариш қилиш учун зарур ер майдонлари ажратиш чораларини кўрсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-1741-сон Фармонининг 4 ва 5-бандлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров, Савдо-саноат палатаси раиси А.И.Икромов ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А.А.Ҳаитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 17 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҲУНАРМАНДЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Қайд этиш лозимки, ўтган йиллар давомида республикамизда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолиш, ҳунармандчилик билан шуғулланувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларга қарамасдан, ҳунармандчилик кичик бизнес ва якка тадбиркорлик ривожланишининг кучли, мустақил ва оммавий йўналишига айлана олмади.

"Ҳунарманд" уюшмаси, берилган имтиёзлар ва қулайликларга қарамасдан, ўз сафларига ҳунармандларнинг кенг оммасини қамраб ололмади, уюшмага аъзо бўлганлар сони ҳунармандчилик билан шуғуланувчиларнинг кам қисмини ташкил этмоқда. Ҳунармандчилик марказларини сайёҳлик салоҳиятдан кенг фойдаланган ҳолда, ташкил этиш ишлари ҳолати қониқарсизлигича қолмоқда, ҳунармандларга молиявий ва хомашё ресурслари ажратиш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш, шу жумладан экспорт қилиш учун шароит яратишга ёрдам бериш ишлари самарадорлиги етарли даражада эмас.

Шунга кўра, ҳунармандчиликни ривожлантириш йўлидаги мавжуд муаммо ва тўсиқларни тизимли бартараф этиш, Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва янада бойитиш, ҳунармандчиликни кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳунармандчилик билан шуғулланишга аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни жалб қилишга рағбатлантириш мақсадида 2017 йилнинг 17 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармон билан республикада миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, имтиёзли кредитлар бериш, ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиш ва экспорт қилиш, шунингдек, республикамизнинг туман ва шаҳарларида ҳунармандчиликни ривожлантириш марказларини ташкил этиш ва "Уста-шогирд" мактаблари фаолиятини такомиллаштириш ишлари белгиланди.

Фармонга биноан "Ҳунарманд" уюшмаси сафларига ҳунармандларнинг кенг оммасини қамраб олиш, шунингдек, ҳунармандчиликни кичик бизнес ва якка тадбиркорлик ривожланишининг кучли мустақил йўналишига айланишига йўл бермаётган уюшманинг чекланган салоҳияти билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланган, жумладан:

"Ҳунарманд" уюшмаси Савдо-саноат палатасига уюшган аъзо сифатида кириши, "Ҳунарманд" уюшмаси раисини мавқеи бўйича Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосарига тенглаштириш;

Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги туман ва шаҳар Тадбиркорларга кўмаклашиш марказлари томонидан ҳунармандларга ўз фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича сўзсиз равишда хизматлар кўрсатиш, шу жумладан ҳунармандларни ўз бизнесини ташкил этиш ва ривожлантириш кўникмаларига ўргатиш, ҳунармандчилик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, янгитдан ўз фаолиятини бошлаган ҳунармандлар учун кўргазмалар ташкил этишни назарда тутиш.

Ҳунармандчиликнинг юқори талабга эга ва келажакда ривожланиш истиқболи бор турларини тўлиқ қамраб олиш мақсадида Фармон билан ҳунармандчилик фаолияти асосий йўналишларининг янгиланган рўйхати тасдиқланди.

Шуни таъкидлаш муҳимки, Фармонда ҳунармандлар учун имтиёз ва қулайликларни кенгайтириш, шунингдек, уларнинг манзиллилиги ва самарадорлигини кучайтириш кўзда тутилган. Хусусан, 2017 йилнинг 1 декабридан ҳунармандчилик субъектлари – "Ҳунарманд" уюшмасининг аъзолари:

ҳунармандчилик фаолияти маҳсулотлари (товар, иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқ тўловидан тўлиқ озод этилади;

ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўловидан озод этилади;

қишлоқ туманларида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган ҳунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадалининг 50 фоизини тўлайди.

Шу билан бир қаторда, ҳунармандларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасарруф этиш, шу жумладан, банк ҳисобрақамларидан чет эл валютасини нақд шаклда ечиб олиш ҳуқуқи берилмоқда. Бунда хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, фестиваль, ярмаркаларда ҳунармандчилик маҳсулотларини экспорт шартномаларини тузмаган ҳолда сотиш мумкин, бунда олинган даромад экспорт тушуми ҳисобланмайди. Шу билан бирга, ҳунармандларга ташқи реклама воситаларини жойлаштиришда маҳаллий бюджетга тўланиши белгиланган тўловларнинг 50 фоизи миқдорида имтиёз бериш жорий этилмоқда.

Шунингдек, доимий савдо қилиш жойларига эга бўлмаган ва вақтинчалик жойларда савдо қилувчи ҳунармандлар томонидан савдо қоидаларида назарда тутилган касса аппаратлари ва савдо терминалларидан фойдаланиш, шунингдек, савдодан тушган нақд пул тушумини тижорат банкларига инкассация қилиш ихтиёрий тартибда амалга оширилади.

Ҳунармандларга ўз фаолиятини амалга ошириш учун имтиёзли тартибда жой ажратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда улар томонидан давлат мулкини ижарага олишда ижара тўлови белгиланган энг кам тўловнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

Ҳунарманд хусусийлаштириш дастури доирасида ("ноль" харид қийматида) сотиладиган давлат мулки объектини олиш истагини билдирган тақдирда, ушбу объект ҳунармандга баҳоланган қийматда (бошланғич инвестиция мажбуриятлари билан) очиқ савдоларга (танловга) қўйилмасдан тўғридан-тўғри шартнома асосида сотилади (берилади). Агарда бир нечта ҳунармандчилик субъектлари бир объектни ("ноль" харид қийматида) олиш истагини билдирса, ушбу объект фақат ушбу ҳунармандлар иштирок этган ҳолда белгиланган тартибда савдога (танловга) қўйилади. Бунда кўрсатилган шартларда ҳунармандларга берилган объектлардан 5 йилдан кам бўлмаган вақт давомида ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланилиши лозим.

Фармонда ёшларни ҳунарга ўқитиш ва ҳунармандчилик кўникмаларини авлоддан-авлодга ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор ажратилган. Шу мақсадда 2018 йилда республикамизнинг барча ҳудудларидаги 16 та касб-ҳунар коллежида "Ҳунарманд" уюшмасининг аъзоси бўлган ҳунармандларни ўқитувчилар сифатида жалб қилган ҳолда, ҳунармандчилик иши бўйича янги касбий таълим йўналишлари очилиши назарда тутилган.

Бунда ҳунармандчиликка ўқитишда ҳунармандлар билан якка тартибдаги тадбиркорлар сингари шартнома тузиш ҳуқуқи берилади ҳамда улар кўрсатган таълим хизматлари соликка тортилмайди. Бундан ташқари, "Уста-шогирд" мактаблари ўқувчиси сифатидаги иш даври ўқувчилар 25 ёшга етгунга қадар йилига энг кам иш ҳақининг камида 2,5 баробари миқдорида суғурта тўлови тўланган тақдирда уларнинг меҳнат стажига қўшилади.

Шу билан бирга, 2018-2019 йилларда ёшларни "Уста-шогирд" усулида ўқув дастурлари бўйича тайёрлаш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 1 миллиард сўм миқдорида маблағлар берилиши кўзда тутилган.

Фармон билан ҳунармандчиликни республика ҳудудлари, туман ва шаҳарларида ривожлантириш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, республика ҳудудларида ҳунармандчилик объектлари, жумладан музей-устахоналар, "Уста-шогирд" мактаблари, ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича ахборот-ресурс марказлари ва бошқа объектларни ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тасдиқланган.

2018-2019 йилларда республикамизнинг 23 та шаҳар ва туманларида Ҳунармандчиликни ривожлантириш марказларини яратиш назарда тутилган. Ушбу марказлар тарихий-анъанавий архитектура услубида қурилиб, улар ҳудудида туристларни кенг жалб қилиш учун "тарихий шарқ бозори" услубидаги савдо расталари, халқ ижоди усталари томоша кўрсатадиган махсус жойлар, карвонсаройлар ва бошқа объектлар жойлаштирилади. Муҳими, бу марказларда ҳунармандлар, асрлар давомида уларнинг аждодлари каби бир жойда яшаб меҳнат қилади, яъни қурилаётган биноларнинг биринчи қаватида уларнинг устахона ва савдо дўконлари жойлашади, иккинчи қаватда улар учун замонавий турар жойлар ташкил этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига икки ой муддатда бозорлар, сайёҳлик, меъморий-маданий объектлар ҳудудида, шунингдек, йирик савдо марказларида ҳунармандчилик савдо расталарини ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиш учун зарур шароитлар яратган ҳолда ташкил этиш топшириғи берилган.

Фармоннинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, унда ҳунармандчиликни ривожлантириш соҳасида мамлакатимизда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари тажрибасида илк бор Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича манзилли дастурлар тасдиқланган, уларга кўра 2018-2019 йилларда қиймати 146,6 миллиард сўмга тенг, шундан 86,8 миллиард сўм тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига, аксарияти қишлоқ жойларига тўғри келадиган 9 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилишини кўзда тутувчи 3015 та лойиҳа амалга оширилади.

Ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, ҳунармандчилик марказлари ва бошқа объектлар қурилишини молиялаштириш мақсадида, Фармон билан катта ҳажмда имтиёзли кредит ресурсларини ажратиш механизми жорий этилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан "Микрокредитбанк", "Халқ банки" ва "Агробанк" акциядорлик тижорат банклари учун умумий хажми 50 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линиялари очилади. Ушбу маблағлар тижорат банклари филиаллари орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдорида лойиҳаларни кредитлаш учун, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш фоиз ставкасида айланма маблағларини тўлдириш учун йўналтирилади. Бир кредит олувчига бериладиган кредит ҳажми энг кам иш ҳақининг 300 бароварига бўлган миқдорда кўзда тутилган, кредит муддати олти ойлик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда 2 йилни ташкил этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкига аҳолининг ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликдаги бандлигини ошириш учун имтиёзли микрокредитларни ажратиш мақсадлари учун ҳажми 50 миллиард сўм миқдорида йиллик 2 фоизлик ставкада кредит ресурслари ажратилиши кўзда тутилган.

Бунда ёш ҳунармандлар томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий суғурта тўловлари олинган кредитлар учун тўлов сифатида ҳисобланиши белгиланган.

Ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун хомашё ва материаллар билан узлуксиз таъминлаш бўйича зарур чоралар ҳам кўзда тутилмоқда. Жумладан:

"Ўзбекипаксаноат" уюшмаси "Ҳунарманд" уюшмасининг буюртмалари бўйича ҳунармандларга ипак хомашёси ва ипак толасини ажратилишини таъминлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларига икки ой муддатда ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланувчи ҳунармандларга ўз фаолиятини амалга ошириш учун хомашё сифатида ишлатиладиган дарахт турларини экиш ва парвариш қилиш учун зарур ер майдонларини ажратиш чоралари кўриш топшириғи берилган.

Фармон билан тасдиқланган чора-тадбирларни жойларда тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида ҳар бир ҳудудда ҳунармандчиликни ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий комиссиялар ташкил этилиши назарда тутилган.

Мазкур комиссияларнинг аниқ вазифалари қаторида ҳунармандчилик ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш, ҳунармандларга уларнинг лойиҳаларини амалга ошириш, ер майдонлари ва бинолар ажратиш, ишлаб чиқариш ва муҳандислик инфратузилмаси объектларига уланиш, ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиш ва экспорт қилишда кўмак бериш белгиланган.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида "Ҳунарманд" уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинган. Қарорга мувофиқ "Ҳунарманд" уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишлари ва вазифалари белгиланди, уюшманинг янгиланган ташкилий тузилмаси, ижро аппарати тузилмаси, шунингдек, уюшманинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмаси тасдиқланди.

Ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиш бўйича бозор инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва "Ҳунарманд" уюшмасига икки ой муддатда ҳунармандчилик маҳсулотларини чекка туман (шаҳар)лардан сотиб олиб, йирик шаҳарларда сотиш учун "Ҳунарманд" уюшмаси қошида савдо-харид корхоналари ташкил этишни таъминлаш топшириғи берилди. Бундан ташқари, "Ҳунарманд" уюшмасига касаначилик маҳсулотлари (ишлар ва хизматларни) ишлаб чиқариш вазифалари юклатилган таркибий бўлинмалар тузиш, шунингдек, пудратчи корхоналар сифатида, айниқса, республикамизнинг қишлоқ ва олис туманларида уй меҳнати билан шуғулланувчи фуқаролар билан ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича шартномалар тузиш ҳуқуқлари берилди.

Кўрсатиб ўтилган чоралар ҳунармандчилик ва касаначиликда янги иш ўринларини ташкил этиш, шунингдек, чекка ҳудудлардаги ҳунармандларнинг маҳсулотлари сотилишини таъминлаш имконини беради.

"Ҳунарманд" уюшмасининг моддий базасини мустаҳкамлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Давлат рақобат қўмитаси, Давлат кадастр қўмитаси, Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда уюшманинг вилоят бошқармалари, туман ва шаҳар бўлимларини жойлаштириш учун бино ва иншоотларга бўлган эҳтиёжни ўрганиб чиқиш, натижаси бўйича давлат мулки объектларининг фойдаланилмай турган бино ва иншоотларига "Ҳунарманд" уюшмасининг ҳудудлардаги бошқарма ва бўлимларини тўловсиз фойдаланишга берган ҳолда жойлаштириш топшириғи берилди.

Қарор билан ҳунармандчилик касбларини аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар ва аёллар ўртасида оммалаштириш, ҳунармандчилик маҳсулотларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва медиа-ресурсларини кенг қўллаган ҳолда ички ва ташқи бозорларда кенг танитишга қаратилган чоралар ҳам қабул қилинган.

Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида, шунингдек, "Ҳунарманд" уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва Қарори ҳунармандчилик янги субъектларини ташкил этишни рағбатлантириш, улар фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш, ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати билан шуғулланувчи фуқаролар ва оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш, оилалар турмуш даражаси ва сифатини, айниқса, қишлоқ ва чекка туманларда ошириш ишларини ташкиллаштиришни сифат жиҳатидан янада юқори даражага кўтариш учун барча зарур шарт-шароитларни яратади.

Семинар

САМАРҚАНДДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАН СЎНГ

ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ МАЗКУР КОНФЕРЕНЦИЯ АҲАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ЭТИШГА КИРИШДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Сарвар Отамуратов маъруза қилди.

— Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзуидаги нуфузли халқаро конференция нафақат юртдошларимиз, минтақа халқлари, балки дунё жамоатчилигининг ҳам эътибор марказида бўлди, — деди Сарвар Отамуратов. — Марказий Осиё минтақасига оид муҳим масала ва муаммолар муҳокама қилинган мазкур конференциянинг очилиш маросимида Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари мазкур маърузасида, аввало, Марказий Осиёнинг дунё саҳнидаги ўрни, аҳамияти хусусида тўхталди, унинг ҳар томонлама стратегик аҳамият касб этишига эътибор қаратди. Дарҳақиқат, Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатларида юзага келаётган турли вазиятлар ва бошқа воқеа-ҳодисалар Марказий Осиёга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Бу эса минтақа мамлакатларининг ўзаро ҳамкорликда, ҳамфикрликда иш тутишини тақозо этади. Ана шу жиҳатлардан келиб чиқиб, Президентимиз ўз нутқида минтақага оид олти йўналишдаги долзарб масалаларга тўхталиб ўтди. Жумладан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ҳамда кооперацияни мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш лозимлигини таъкидлади. Минтақаларо ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Марказий Осиё давлатларининг ҳудудлар раҳбарлари (ҳокимлари) бизнес ҳамжамиятининг ассоциациясини таъсис этишни таклиф қилди. Иккинчидан, минтақанинг транзит-логистика салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ва транспорт инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш лозимлиги қайд этилди. Бу йўналишда Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Ўмон транспорт-транзит йўналишининг муҳим тармоғи сифатида Амударёдан ўтадиган Туркманобод — Фороб янги темир ва автомобиль йўллари кўприклари ишга туширилгани, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилишини бошлаш бўйича келишувга эришилгани таъкидланди. Бу борада Президентимиз томонидан Транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича умумминтақавий дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масаласига эътибор қаратди. Минтақада хавфсизлик, тинчлик-осойишталикни сақлаш терроризм, диний экстремизм, трансмиллий жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидлари авж олаётган бугунги таҳликали бир пайтда ўта долзарб аҳамиятга эга. Бу борада "Хавфсизликка таҳдидларни "ўзиники ва ўзгаларники" деб ажратишдан воз кечиш, "яхлит хавфсизлик" тамойилига амалда риоя қилиш зарур, деган қатъий фикрдамиз", деди давлатимиз раҳбари. Дарҳақиқат, қўшни ёхуд узоқ масофадаги мамлакатда юзага келган нотинч, беқарор вазият бошқа давлатларга ҳам таъсир қилмай қолмайди — бунинг бизга дахли йўқ, деб ўтириш мумкин эмас. Шундай экан, минтақанинг барча мамлакатлари турли кўринишдаги таҳдидларга қарши биргаликда, ўзаро амалий ҳамкорлик асосида курашиши лозим. Мамлакатимиз қўшни Афғонистон ҳудудидаги беқарорлик масаласини тинч йўл билан, музокаралар асосида ҳал этиш тарафдори. Афғон халқини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат иқтисодиётининг қайта тикланишига кўмаклашиш борасида Ўзбекистон қатор ташаббусларни амалга ошириб келаётир. Масалан, Термиз туманида Афғонистон фуқароларини олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва кадрларни қайта тайёрлаш дастурлари бўйича ўқитиш маркази очилади. Бу билан афғон ёшларининг билим ва тажрибаси оширилиб, мамлакат иқтисодиёти тикланишига маълум даражада ҳисса қўшилади.

Семинарда Марказий Осиёнинг 70 миллиондан ортиқ бўлган умумий аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этиши таъкидланиб, шу боис халқаро конференцияда келажак авлод вакилларини турли хавф-хатарлардан, мафкуравий таъсирлардан асраш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилганига эътибор қаратилди. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ҳамда "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш ташаббусини илгари сургани, бугун минтақа ёшларини диний маърифат, миллий қадриятлар асосида тарбиялаш зарурлиги қайд этилди. Таъкидланганидек, юртимизда Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилаётир. Ушбу марказлар ислом динини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, динимизнинг поклиги, муқаддаслиги ва маърифатпарвар, эзгуликка чорлайдиган дин эканлигини тарғиб этишда муҳим восита бўлади. Бугун диний билимларнинг етишмаслиги оқибатида айрим ёшлар билиб-билмай турли йўлларга кириб кетаётгани сир эмас. Марказий Осиё мамлакатларининг тарихи муштарак, халқларининг дини, эътиқоди бир, қадриятлари ўзаро яқин. Бу эса тарихий илдизларга таянган ҳолда келгусидаги тараққиётни биргаликда таъминлашни, динимиз поклигини, миллий қадрият ва урф-одатларимизни сақлаш, минтақа ёшларини шу руҳда тарбиялаш ишларини ҳамкорликда давом эттиришни тақозо этади.

Давлатимиз раҳбари давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёнини тезда ва узил-кесил якунига етказиш, чегараолди муаммоларини ҳал этиб, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш йўлида мустаҳкам пойдевор яратиш, минтақада сув ресурсларидан адолатли фойдаланиш муаммосини имкон қадар тезроқ тартибга солиш, Орол денгизининг экологик ҳалокати билан боғлиқ энг ўткир муаммоларни ҳал этишда минтақа мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, уларнинг бу борадаги фаолиятини янада фаоллаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқалар, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш масаласи минтақавий ҳамкорликни жадаллаштиришнинг асосий шартларидан бири сифатида тилга олинди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ўтган мазкур халқаро конференция минтақа мамлакатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, турли масалаларни ҳал этиш ва истиқболдаги мақсадларни белгилаш бўйича фикр алмашиш учун қулай майдон бўлди. Шу нуқтаи назардан илк бор ташкил этилган ушбу нуфузли, кенг кўламдаги халқаро анжуманнинг айнан Ўзбекистонда ўтказилгани мамлакатимиз обрў-эътиборини янада оширишда ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз дастурий мақсад-вазифалари билан миллий манфаатлар устуворлигини илгари суради. Мазкур конференцияда ўртага қўйилган масалалар ҳам мамлакатимиз миллий манфаатларига, ҳам минтақа ҳаётига дахлдор эканлиги, давлатимиз раҳбари нутқида илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар партия дастурий вазифаларига ҳамоҳанглиги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари зиммасига катта масъулият юклайди. Ушбу конференция аҳамиятини, Президентимиз нутқининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб-ташвиқ этиш олдимизда турган долзарб вазифалардан ҳисобланади, — деди партия етакчиси.

Семинарда сўз олганлар давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун минтақада тинчлик ва осойишталик, барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар. Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш юзасидан билдирилган таклиф ва ғоялар эътиборга молик эканлиги қайд этилди.

Семинар якунида Президентимизнинг халқаро конференсияда сўзлаган нутқида илгари сурилган мақсад-вазифалар, барча йўналишда билдирилган таклиф ва ташаббусларнинг долзарблиги, мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур таҳлиллар асосида ўрганиш ҳамда партия электорати ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва Олий Мажлис қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг қўшма қарори қабул қилинди.

Авазбек ЖАЛИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Юртимизда бўлиб ўтган халқаро конференция мамлакатимиз нуфузини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Конференция доирасидаги муҳокама ва келишувларда, энг аввало, тинчлик масаласи устуворлик касб этди десам, муболаға бўлмайди. Чунки бугун дунёнинг турли бурчакларида содир бўлаётган кўнгилсиз воқеа-ҳодисалар, нотинч, беқарор вазиятлар минтақа хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлашда кучларни бирлаштиришни тақозо этмоқда. Зеро, тинчлик ҳукм сурган жойда ривожланиш, иқтисодий юксалиш бўлади.

Минтақа мамлакатларининг ўзаро яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда чегара масаласи долзарб аҳамиятга эга. Конференция доирасида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон ўртасида давлат чегараларининг туташ ҳудуди тўғрисида муддатсиз шартнома имзоланди. Бу ҳужжат уч қўшни давлат ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айниқса, яқин қариндошлариникига борди-келди ва қуда-андачилик муносабатларида қийналиб келган чегара ҳудуди аҳолиси учун жуда муҳим, қувончли воқеа бўлди. Эндиликда уларнинг қариндошлик ришталари янада мустаҳкамланади. Шунингдек, ушбу шартнома савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантиради.

Конференция доирасида эришилган келишув ва шартномалар мамлакатимиз ташқи сиёсат борасида оқилона йўл тутаётганидан далолат беради.

Азамат ПАРДАЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Мазкур конференция Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик, чегара, сувдан фойдаланиш, транспорт ва савдо сингари ўткир минтақавий масалаларни ечишда оқилона муроса йўлини топишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Унда давлатимиз раҳбари илгари сурган ҳаётий ғоя ва ташаббуслар замирида Марказий Осиё давлатларини ҳамжиҳатликда иқтисодий ривожлантириш, минтақанинг иқтисодий салоҳиятини умумлаштириш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда замонавий тараққиётнинг умумий устувор йўналишларини белгилаш мақсад-вазифалари мужассам. Зеро, минтақа мамлакатларининг умумий келажак учун масъулиятни ҳис этиши минтақа хавфсизлиги, барқарор ривожланишида муҳим омилдир.

Президентимиз олти йўналишда илгари сурган таклиф ва ташаббусларда фақат Ўзбекистон эмас, Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари ҳам кўзланган. Минтақа ҳаёти, унинг халқлари фаровонлигига дахлдор бўлган масалалар юзасидан давлатимиз раҳбари таклиф этган барча ғоялар бугун кенг жамоатчилик, халқаро ташкилотлар вакиллари ва нуфузли экспертлар томонидан эътироф этилмоқда.

Бобомурод ОДИЛОВ,
ЎзМТДП Бектемир туман кенгаши раиси:

— Президентимиз ўз нутқида "Бизнинг бош мақсадимиз — умумий саъй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат", деди. Дарҳақиқат, Марказий Осиёнинг ҳар томонлама ривожланиши, хавфсизлиги, барқарорлиги, тинч ва осойишталиги минтақадаги барча давлатларга дахлдордир. Конференцияда минтақа мамлакатлари ана шу жиҳатни эътиборга олган ҳолда ўзаро бирдамлик ва келишув асосида иш олиб борди. Минтақага оид ҳар бир масала нуфузли халқаро ташкилотлар, Марказий Осиё давлатлари ва бошқа мамлакатлар ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари ва таниқли экспертлар иштирокида кенг муҳокама қилинди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, ушбу конференция мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишимиз, қардош халқлар билан маданий-гуманитар масалалар борасидаги ҳамкорлик ишларига кўмаклашишимиз лозим. Айниқса, ҳудудда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутувчи ёшлар масаласида бизнинг партиямиз ташаббускор бўлиши зарур. Бунда ёшларни миллий, оилавий қадриятларни асраш руҳида тарбиялаш, уларнинг диний билим ва тушунчаларини кенгайтиришга қаратилган ишларимизни янада кучайтириш олдимизда турган долзарб вазифадир.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Муносабат

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

МИЛЛИЙ МУМТОЗ НАВОЛАР — ХАЛҚИМИЗ ИЖОДИЙ ТАФАККУРИ МАҲСУЛИ

Айтиш жоиз, кейинги йилларда ёшларнинг мусиқий диди, бадиий савиясини тобора юксалтириш, мусиқа таълимини сифат ва мазмун жиҳатдан янги, юқори босқичда ташкил этиш, ўғил-қизларни миллий мусиқий меросниг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Шу маънода санъат йўналишида таҳсил олаётган талаба ва ўқувчиларга мақом санъати борасида алоҳида дарслар ўтилиши маданият соҳасига энди қадам қўйиб келаётган ёшларда миллий ўзликни англаш туйғуси, юксак бадиий-эстетик дид ва тафаккурнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Мақом йўлидаги мумтоз куй-қўшиқларимиз тингловчи руҳига ҳаловат, таскин, ўзига хос маънавий қувват бағишлайди. Шу боис уларни наинки мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам мусиқа ихлосмандлари катта қизиқиш ва эътибор билан тинглайди. Қарорда келгусида Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилишининг белгиланган эса миллий санъатимиз нафақат юртимиз аҳли, балки дунё халқлари эътиборини ҳам қозонаётганидан далолат беради. Бу, ўз навбатида, ўзбек миллий мақоми халқаро саҳналарда янграши, халқимиз маданий меросидан жаҳон халқлари ҳам баҳраманд бўлиши ва уни кенг миқёсда тарғиб этишга замин яратади.

Мақом йўлида ижод қилаётганлар учун "Энг яхши мақом хонандаси", "Энг яхши мақом созандаси", "Энг яхши мақом устози", "Энг яхши мақом тарғиботчиси", "Энг яхши ёш мақомчи" каби номинациялар бўйича мукофотлар таъсис этилгани соҳада фаолият юритаётган фидойи санъаткорларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қарорда соҳа вакиллари учун берилган қатор имконият ва имтиёзлар улар зиммасига улкан масъулият билан бирга мақомчилик санъати ривожи йўлида изланишлар олиб бориш, фаоллик ва ташаббус кўрсатиш вазифаларини юклайди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори мазмун-моҳияти ЎзМТДП дастурига уйғун ва муштарак бўлиб, унда белгиланган халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъати ривожи, ушбу ноёб санъатнинг халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлиши каби мақсад-вазифалар ёшларимиз онгида миллий ўзликни англаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, камолотга интилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Даврон ҚОДИРОВ,
Тошкент давлат педагогика университети "Мусиқа ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси доценти, ЎзМТДП фаоли

Брифинг

САЙЛОВГА ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Марказий сайлов комиссиясининг 2017 йил 16 ноябрдаги "Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари депутатлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисида"ги қарорига асосан Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов кампанияси даврида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Toshkent" телеканали орқали сайловолди ташвиқотини олиб боришда номзодларнинг бепул эфирга чиқишига оид ҳафталик жадвал, "Тошкент оқшоми" — "Вечерний Ташкент" газеталарида сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари учун бепул босма майдон ажратиш, чиқишларини чоп этиш жадвали тасдиқланди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 22-моддасига асосан туман Кенгаши депутатлигига сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан биттадан номзод кўрсатишга ваколатлидир. Айни пайтда сайловда қатнашаётган барча сиёсий партия ва ўзини ўзи бошқариш органлари Тошкент шаҳрининг 11 та туманида ташкил этилган жами 330 та сайлов округига биттадан номзод кўрсатди.

Сайлов қонунчилигидан келиб чиқиб, сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг 30 фоиздан ортиғини хотин-қизлар ташкил этди. Сиёсий партиялар фақат ўз аъзолари ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ораганлари эса шахсларни у ёки бу партияга мансублигидан қатъий назар, депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳақлидир.

Депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти улар рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Брифингда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги олдидан

БОШ ҚОМУСИМИЗДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ КАФОЛАТЛАНГАН

Тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаёт, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари... Ушбу тушунчалар инсон ҳаёти ва фаолияти билан бевосита боғлиқ муҳим мезонлар саналади. Уларнинг ҳаётдаги рўёби давлат ва унинг қонунлари асосида таъминланади. Асосий қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсонпарварлик, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаси, демократия ва ижтимоий адолат, халқаро ҳуқуқнинг қоида ва мезонлари асосида ишлаб чиқилган халқчил қомусдир. Бу йил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 25 йил тўлади. Юртимизда ўтган чорак аср давомида Конституция асосида демократик давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш йўлида улкан ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Ўрол Ҳайитов билан суҳбатимиз Бош қомусимиз, унда мустаҳкамланган таълим олиш ҳуқуқи, бу борада юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида кечди.

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизнинг тараққиёт йўли, бугуни ва эртасини белгилаб берувчи Асосий қонун ҳисобланади. Дастлаб унинг давлат, жамият ва фуқаролар ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўз юритсак.

— Ўзбекистони Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишида таъкидланганидек, Бош қомусимиз Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларининг мустаҳкам кафолатидир. Унда мустаҳкамлаб қўйилган меъёрлар ўтган йигирма беш йил давомида мамлакатимизда бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашида пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Конституция ўз мазмун-моҳияти билан халқ иродасини намоён этади. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, тинч-осойишта ҳаёт кечириш асосларини яратиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш Бош қомусимизнинг асосини ташкил этади. Унда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида белгиланган, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган. Бу ҳуқуқлар инсоннинг жамиятда ўзини намоён қилиши учун барча шароитни яратиб беради ва муносиб ўрин топишига кўмаклашади.

— Тўғри таъкидладингиз, Конституцияда мамлакатимиз фуқароларининг барча ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Ана шундай ҳуқуқлардан бири — бу шахснинг таълим олиш ҳуқуқидир. Асосий қонунимизнинг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Айтинг-чи, бугун ушбу модданинг ҳаётимиздаги ифодасини асосан нималарда кўриш мумкин?

— Мустақилликнинг дастлабки кунларидан мамлакатимизда шахснинг энг муҳим ижтимоий ҳуқуқларидан бири — таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга давлат сиёсатининг ижтимоий соҳадаги устувор вазифаси сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Конституциямизнинг 41-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган шахснинг таълим олиш ҳуқуқлари "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида янада кенг ва батафсил ифодаланган. Мазкур ҳужжатларда акс этган таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари Конституциямизда белгилаб берилган қоидаларга ҳамоҳанг ва уйғун.

Ўзбекистон Республикасида яшаётган ҳар бир шахсга унинг жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойидан қатъий назар билим олиш ҳуқуқи кафолатланган. Улар мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим олиши мумкин. Шунингдек, мактаб таълимидан ташқари спорт, мусиқа, санъат, амалий санъат ва бошқа соҳалар бўйича қўшимча билим олиш, малака ошириш, қайта тайёрловдан ўтиш, иккинчи ва ундан кейинги мутахассисликларга эга бўлиш имконияти яратилган. Давлат дастурлари асосида оилада ёки экстернат тартибида билим олиш мамлакатимиз фуқаролари учун қулайлик туғдиради.

Мамлакатимизда умумий ўрта маълумот олиш, шунингдек, ихтиёрий равишда танланган йўналишда касб-ҳунар ўрганиш мажбурий. Униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг жамиятда муносиб ўрин топишида шароит яратишнинг бирламчи ва айтиш лозимки, жуда катта имтиёзи бу — Конституциямизда белгиланган умумий таълимнинг кафолатланганидир. Мамлакатимизда болаларни мактабга тайёрлаш, уларнинг умумий ўрта маълумот олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари, олий маълумотга эга бўлиши, шунингдек, илм-фан билан шуғулланишини таъминлаш мақсадида қарийб 5 минг 200 дан ортиқ давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаси, 10 мингга яқин умумий ўрта таълим мактаби, бир минг 500 га яқин касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар, 80 дан ортиқ олий ўқув юртлари, уларнинг филиаллари ва хорижий давлатларнинг олий таълим муассасалари филиаллари фаолияти йўлга қўйилган. Бу эса фарзандларимизнинг эркин таълим олиш ҳуқуқини ўзи истаганча амалга оширишига хизмат қилади.

Таълимнинг барча турида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар малакаси мунтазам ошириб борилади. Айни шу мақсадда республика ва ҳудудий малака ошириш муассасалари самарали фаолияти йўлга қўйилган. Бу, ўз навбатида, замонавий билим ва кўникмаларни ёш авлодга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Мактабдан ташқари таълимни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида юртимизда 300 дан ортиқ мусиқа ва санъат мактаби, 227 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 56 та ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 211 та "Баркамол авлод" болалар марказлари ташкил этилган. Мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида фаолият кўрсатаётган бундай марказ ва спорт мактаблари ҳудудлардаги иқтидорли, маҳоратли ўғил-қизларимизнинг юзага чиқишида муҳим замин бўлаётир.

Бу каби ишлар янги босқичда изчил давом эттирилаётгани ҳар биримизга фахр бағишлайди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Унда айнан сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш вазифалари белгиланган. Буларнинг барчаси Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳар кимнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилади.

— Мамлакатимизда 11 йиллик мактаб таълими жорий этилгани, бунинг ота-оналар ва фарзандлар ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик...

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таълим-тарбия тизимининг барча бўғини фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштириш, фарзандларимиз учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим-тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш масаласига тўхталиб ўтилган эди. Албатта, таълим-тарбия бу узлуксиз жараён. У ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Инсоният тафаккури билан яратилаётган янгидан янги билимлар, қонуниятлар, техник ва технологик воситалар таълим жараёнига киритилиши, ёшлар уларни ўзлаштириши тақозо этилади. Илм-фан янгиликлари, ишлаб чиқаришда янги соҳалар очилиши, уларнинг ривожланиши кадрлар тайёрлаш ишини қучайтириш, мутахассисликларни доимий равишда янгилаб боришни талаб этади. Ўқув режа ва дастурларга янги фанларни киритиш, фанларни ўқитиш ҳажмини қайта кўриб чиқиш ҳам узлуксиз жараён саналади.

Кўриниб турибдики, давр талабларига мос таълим тизимини яратмас эканмиз, ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга эришишимиз қийин кечади. Таълим тизимини ислоҳ этишда давлат мақсадларидан келиб чиқиб, халқимизнинг хоҳиш-иродасига мос, яъни аҳолининг талаб ва истаклари эътиборга олинган ҳолда ўзгартишлар киритилмоқда.

Мажбурий таълимни амалга оширишда асосан янги усул ва услубларга эътибор қаратилаётир. Ота-оналарнинг фарзандларини умумий ўрта таълим тизимининг таркибий қисми бўлган 10-11-синфларда ўқитишни хоҳлаши ёки касб-ҳунар коллежи, лицейларда давом эттиришини исташи билан боғлиқ масала кўп йиллар давомида халқимизни ҳам, мутасаддиларни ҳам қийнаб келаётган эди. Ушбу масаланинг бугун ечим топгани муҳим аҳамиятга эга. Ота-оналарнинг таклифлари эътиборга олиниб, умумий ўрта таълимда 11 йиллик тизим қайта жорий этилгани ҳар жиҳатдан тўғри танлов бўлди. Психологларнинг якдил эътироф этишича, айни ўсмир ёшдаги болаларнинг ўзлари ўрганган муҳит, ён-атрофдаги дўстларидан ажратиб юборилиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Академик лицейлар умумий ўрта таълимнинг таркибий қисмига айлантирилди. 9-синфнинг иқтидорли битирувчиларига икки йил давомида академик лицейларда таълим олиш имконияти яратилди. Умуман олганда, умумий ўрта таълим тизими битирувчилари таълим олишни касб-ҳунар коллежлари ёки олий таълимда давом эттиришлари мумкин бўлади.

— Таълим масканларида Асосий қонунимизни ўрганиш, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва билимларини юксалтириш, уларни Конституциямизга ҳурмат руҳида тарбиялаш демократик ислоҳотларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади, шундай эмасми?

— Албатта, Конституцияни ўрганиш инсоннинг ўзини англаши сари босилган қадамдир. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси Бош қомусимизнинг яратилиш тарихи, унинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва инсон манфаатларини таъминлашдаги аҳамиятини билиши, биринчи навбатда, унинг ўзи учун зарур. Қолаверса, бу фуқаролик бурчидир. Конституцияни чуқур ўрганиш, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва билимларини юксалтириш, уларни Бош қомусимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш — демократик ислоҳотларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши Конституциямизни тарғиб қилиш ва ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Жумладан, унда таълим тизимининг барча бўғинида Бош қомусимизни ўрганиш бўйича ўқув машғулотлари назарда тутилган. Барча таълим муассасаларида Конституцияни ўрганишга қаратилган танловлар ўтказиб келинмоқда.

Таълимнинг дастлабки бўғини — мактабгача таълим муассасаларида ҳам бу борада муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Мактабгача таълим соҳаси бошқаруви такомиллаштирилиб, вазирлик ташкил этилиши, аввало, ота-оналарни кўпдан бери ўйлантириб келаётган муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, болаларни ёшликдан билим олишга, тил ўрганишга, ўзини ўзи англаши, ҳуқуқларини билиши, бир сўз билан айтганда, ҳаётга тайёрланишига қаратилган муҳим қадамдир. Бошланғич бўғиндан бошлаб Бош қомусимиз мазмун-моҳиятини ўргатишга қаратилган ишлар ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасида ўз олдимизга қўйган мақсадларимизда муҳим омилдир.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим асосдир. Уни ўқиб-ўрганиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз ҳисобланади.

"Milliy tiklanish" мухбири
Муҳтарама КОМИЛОВА суҳбатлашди.

Ташаббус натижа берди

ТЎЙЛАР ТАРТИБГА СОЛИНМОҚДА

Тўй-ҳашам, оилавий тантана ва маросимлар азалдан шаклланган миллий урф-одат ҳамда анъаналаримиз сирасига киради. Ҳар биримиз фарзандимиз улғайгани сари яхши ният билан тўй тараддудига тушамиз. Бу асрлар давомида шаклланган гўзал қадриятларимиздан бири. Бироқ, кейинги пайтларда тўй билан боғлиқ анъаналаримиз қаторига миллатимизга хос бўлмаган бир қатор маънисиз русумлар қўшилдики, улар миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга путур етказмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида оилалар ҳаётида ҳамон сақланиб қолаётган нохуш ҳолатлар, хусусан, тўй маросимларини ўта дабдабали қилиб ўтказиш ва исрофгарчиликка асосланган бошқа тадбирларга барҳам беришга қаратилган ишларда фаол иштирок этиш маънавий-маърифий соҳадаги асосий вазифалардан бири этиб белгиланган.

ЎзМТДПнинг ҳудудий ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ушбу дастурий вазифалардан келиб чиқиб, 1998 йил 28 октябрда қабул қилинган "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги Президент фармонининг ҳудудлардаги ижросини ўрганмоқда. Маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари ҳамда сессияларида ушбу масала қизғин муҳокама этилмоқда. Жумладан, 2017 йилда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят, Қамаши, Миришкор, Ғузор, Деҳқонобод, Шаҳрисабз туман Кенгашлари сессияларида ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан мазкур масала кўриб чиқилди. Сессияларда ҳудудда бу борада кўзга ташланаётган муаммолар атрофлича муҳокама этилди. Хусусан, тахиллар туманлардаги ажримларнинг асосий қисми қарз олиб дабдабали тўй ўтказиш натижасида юзага келган моддий етишмовчилик оқибатида пайдо бўлаётганини кўрсатмоқда. Бу эса аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришни тақозо этади. Оила эҳтиёжидан ортган маблағ халқимизнинг азалий одатларига амал қилган ҳолда, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам сифатида берилса, турар жойларни обод қилиш ёхуд тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга сарфланса, қанчадан қанча кўнгиллар меҳр-эътибордан обод, мушкули эса осон бўлади, қолаверса, ҳар бир инсон ўз уйини, маҳаласини, юртимизни обод қилишга ҳисса қўшади.

ЎзМТДП гуруҳларининг ушбу ташаббуси сессияларда қизғин муҳокама қилинди. Билдирилган таклиф-тавсиялар, мулоҳазалардан келиб чиқиб, қарор қабул қилинди. Уларда "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги фармон талабларига қатъий риоя этиш, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, Республика Маънавият ва маърифат марказининг вилоят ва туман бўлимлари, хотин-қизлар қўмиталари, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан иборат Жамоатчилик кенгаши тузилиб, аҳоли ўртасида тўй ва маросимларни ихчам, камхарж, исрофгарчиликсиз ўтказиш бўйича тарғибот ишлари олиб борилиши белгиланди. Бу борада жамоатчилик фикрига эътиборсиз қараган фуқаролар билан алоҳида тушунтириш ишлари олиб бориш лозимлиги қайд этилди. Ички ишлар бошқармаси ва бўлимларига тўй-ҳашамларда хизмат кўрсатадиган автотранспортларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигига қатъий риоя этишини, автомашиналар сони 4 тадан ошмаган миқдорда бўлишини назорат қилиш, соғлиқни сақлаш тизими вакилларига никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан тўлиқ ўтишини таъминлаш, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси вилоят бўлимига саньаткорлар ва бадиий жамоаларнинг фаолиятини тартибга солиш вазифалари юклатилди. Ички ишлар вакиллари ҳамда солиқ инспекцияси мутасаддилари зиммасига ресторан, кафе ва тўйхонада тўй-ҳашам ва турли маросимларни ўтказишда пластик карточкалар, пул ўтказиш йўли ва банк кредити орқали ўтказиладиган тўловларни қабул қилишда ҳеч қандай чекловларсиз, нархларни бир хил, сунъий ошиб кетишига йўл қўймаган ҳолда амалга оширилишини таъминлаш, тўй-маъракаларда фуқаролар ҳаётига хавф солувчи пиротехника воситаларидан фойдаланмаслик, атрофда яшовчи аҳолининг тинчи, осойишталигини, тунги вақтларда шовқин солиб одамларнинг оромини бузмаслик чораларини кўриш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, ҳудуддаги давлат бошқаруви органлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат унумдорлигини сақлаш мақсадида ошхона ва тўйхоналарда иш кунлари тўй ва маросим муносабати билан ош берилишини соат 07:00 дан 09:00 гача ёки 12:00 дан 14:00 гача белгилаш қарорда ўз ифодасини топди. Аксинча, иш вақтида — соат 09:00 дан 12:00 гача, 14:00 дан 18:00 гача ош беришни тақиқлаш ҳамда соат 22:00 дан кейин тўй ва базмларни давом эттириш ҳолатларининг олдини олиш бўйича назорат олиб бориш белгиланди.

Хотин-қизлар қўмиталари зиммасига ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда маҳаллий дизайнерларни жалб этган ҳолда миллий қадриятларимизга хос келин либослари намуналарини яратиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш, либослар салонларидаги никоҳ қўйлакларини миллий-замонавий кўринишдагилари билан алмаштириш чораларини кўриш вазифаси топширилди.

Бир сўз билан айтганда, тўйларни ихчам, дабдабасиз ўтказиш, шунингдек, қайнона-келин муносабатларини яхшилаш, оилаларни мустаҳкамлаш, турмуш қуриш остонасида турган йигит-қизларнинг оилавий ҳаёт, ундаги бурч ва масъулият ҳақидаги билим ва тушунчаларини бойитиш бугуннинг талабидир. Шу боис бу жараёнда ЎзМТДП ташкилотлари ва гуруҳлари билан бирга, ижроия ҳокимияти идоралари, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этиши лозим.

Сайфулла МАХМАТМЎМИНОВ,
халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари:

— Оила — жамиятнинг муҳим бўғини. Оила тинчлигини таъминлаш, ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш — давлатимизнинг доимий эътиборида. Инсонийлик, меҳр-оқибат каби барча эзгу фазилатлар, аввало, оила муҳитида шаклланади. Оила тинч бўлса, маҳалла, эл-юрт тинч, фаровон бўлади. Аксинча, оилавий муаммолар, ўзаро келишмовчиликлар айрим ҳолатларда турмушнинг дарз кетишига олиб келмоқда. Энг ачинарлиси, бундай ҳолатларга тўй-ҳашамлардаги ортиқча дабдабабозликлар сезиларли "ҳисса" қўшаётир. Шу боис партия гуруҳимиз тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда турли муассасалар, маҳаллаларда учрашувлар ўтказиб, тўй билан боғлиқ маросимларни ихчамлаштириш, сарф-харажатларни камайтириш борасида тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Айрим тўй маросимлари ва оилавий тадбирлар ярим тунгача давом этаётгани, бунда овоз кучайтиргич, қулоқни қоматга келтирувчи сигналлар ва бошқа техника воситаларидан фойдаланилаётгани ҳам аҳоли тинчини бузмоқда. Масалан, тўйдан олдинги маросимларда турнақатор машиналарнинг саф тортиши йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бузилиши, айрим ҳолларда нохуш вазиятларга сабаб бўлмоқда. Шу боис сессияда бу каби ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди, аниқ вазифаларни ўз ичига олган қарор қабул қилинди. Ушбу қарор ижроси доимий назоратимизда.

Нодирбек НОСИРОВ,
халқ депутатлари Миришкор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари:

— Тўй аслида йиллар давомида яхши ният, орзу-ҳавас билан орзиқиб кутиладиган, қавм-қариндошлар, ёр-дўстлар жам бўлиб, янги оилани қутлайдиган тадбир. Элга дастурхон ёзиб, никоҳни маълум қилиш гўзал удумларимиздан бири. Лекин, кейинги йилларда тўйларимизни дабдаба билан ўтказишга, янгидан-янги "кашфиёт"лар қилишга ўрганиб қолаётгандаймиз.

Сессия муҳокамасига олиб чиқилган ушбу масала аҳолининг маънавий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига бевосита дахлдор. Чунки бугунги кунда турмушимизда тўй-маросимлар, турли маъракалар ўтказиш билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлаётгани сир эмас. Партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда олиб бораётган тарғибот ишларимиз, кенг жамоатчилик саъй-ҳаракатлари натижасида дабдабабозлик, исрофгарчиликларга сезиларли даражада чек қўйилмоқда. Тўйдан аввал ва кейин ўтказиладиган бир қатор тадбирлар қисқартирилмоқда ёки тўй куни ўтказилиши йўлга қўйилмоқда. Никоҳ куни қатор-қатор машиналарда сайрга чиқиш, ёшларнинг алламаҳалгача ўйин-кулги қилиши сингари ҳолатлар бартараф этилмоқда. Одамлар ўзлари англаган ҳолда бешик тўйи, оқиқа, суннат тўйи ва никоҳ тўйларини бирмунча ихчамлаштираётир. Шундай бўлса-да, бу борадаги ишларни сусайтирмаслигимиз, тарғибот-ташвиқотни мунтазам давом эттиришимиз лозим. Оила мустаҳкамлиги унинг қурилишидаги харажатларга эмас, балки икки ёшнинг бир-бирига бўлган меҳрига, одоб-ахлоқи ва оила тўғрисидаги тушунчаларига боғлиқ. Шундай экан, тўйларда ҳеч қачон эскирмайдиган миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизни намоён қилайлик, ёш оилаларга ибрат бўлайлик. Зеро, ҳамма нарсада меъёр бўлгани яхши.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Партия гуруҳларида

ХАЛҚ ВАКИЛИ ОДАМЛАРНИНГ ДАРДУ ТАШВИШЛАРИ БИЛАН ЯШАШИ КЕРАК

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилмоқда, аҳоли мурожаатлари, муаммо-масалаларига ижобий ечим топилаётир. Ана шу жараёнда сиёсий партиялар депутатлари ҳам "Инсон манфаати — ҳар нарсадан устун" ғояси асосида аҳоли билан очиқ мулоқот ва сайёр қабулларда уларнинг мурожаатларини ўрганиб, тегишли мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юбориш ваколатларидан самарали фойдаланишга интилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашига 13, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига 76 депутат сайланган. Улар жойларда депутатлик назоратини ўрнатиш, ўз фаолияти самарадорлигини янада ошириш, аҳоли билан мулоқот ва давра суҳбатлари ташкил этиш воситасида уларнинг муаммоларини жойида ҳал этишга эътибор қаратмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

Бугун сиёсий партиялар ҳамда улардан сайланган депутатлар зиммасига жуда катта вазифа ва масъулият юкланган. Улар фаолиятига партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига, электорат ҳамда сайловчилар манфаатларини нечоғлик ҳимоя қилаётгани, одамларни ўйлантираётган муаммоларга қай даражада ечим топаётганига қараб баҳо берилади. Бу эса депутатлардан аҳоли мурожаатлари асосида депутатлик сўровлари юбориш, маҳаллий Кенгаш сессияларида мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш, доимий комиссияларга таклиф киритиш ва сессиялар кун тартибига масала олиб чиқиш борасида фаол ҳаракат қилишни талаб этади.

— Партия ташкилоти ва гуруҳлари ҳамкорликда, бир ёқадан бош чиқариб фаолият кўрсатса, иш унумдорлиги янада ошиши, сайловчи ва электорат манфаатлари ҳамда партия дастурий мақсад-вазифаларининг ижроси таъминланиши шубҳасиз, — дейди ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Умид Жабборов. — Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз аъзолари шу йилнинг тўққиз ойи давомида қонунлар ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижросини таъминлаш ҳамда фуқаролар мурожаатлари асосида 236 депутатлик сўровини амалга оширди. Юборилган сўровларнинг 168 таси ижобий ҳал этилиб, 58 таси юзасидан мутасадди ташкилотлар ўрганиб ишларини олиб бормоқда. Халқ билан мунтазам мулоқотда бўлиш, уларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор билан ёндашиш, оғирини енгил, мушкулини осон қилишга кўмаклашиш зиммамиздаги муҳим вазифадир.

Шунингдек, ҳудудимизда турли соҳага оид долзарб муаммоларни ҳал этиш юзасидан доимий комиссиялар ҳамда сессияларга мунтазам равишда таклиф, ташаббус-масалалар киритишга интиляпмиз. Масалан, яқинда халқ депутатлари Марғилон шаҳар, Бағдод, Фурқат ва Бешариқ туман Кенгашлари сессиялари кун тартибига болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг фаолият самарадорлигини ошириш ҳамда болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга кенг жалб этиш мақсадида "Болалар спортини ривожлантириш ва ўқувчи ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш тўғрисида" ҳамда "Ҳудудда туризмни ривожлантириш" масалалари киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ўз фаолиятини кундан-кун такомиллаштириб бориши, депутатлар сайловчилар ишончини оқлашга, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга мунтазам ҳаракат қилмоғи лозим. Бундай саъй-ҳаракатлар, ўз навбатида, партия дастурий мақсад-вазифаларининг ҳаётга татбиқ этилишига, электорат манфаатлари таъминланишига, ҳудудларда ечимини кутаётган масалалар ўз вақтида ҳал бўлишига хизмат қилади.

Шунингдек, вилоятдаги партия ташкилотлари ва гуруҳлари тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда чет давлатларга ноқонуний чиқиб кетган фуқароларни яшаш манзилларига қайтариш ва уларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш юзасидан ҳам амалий ишларни олиб бормоқда.

Инсон манфаатлари, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис халқ депутатлари Қува туман Кенгашига партиядан сайланган депутат, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли шошилинч тиббий ёрдам бўлими ҳарроҳи Миродил Арслонов ҳудуддаги хотин-қизларга саломатлигини тиклаш борасида амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Эҳтиёжманд, кам таъминланган беморларнинг бепул даволанишлари учун шарт-шароитлар яратиб, сиҳатгоҳларга йўлланма олишларига кўмаклашмоқда.

Партия гуруҳлари фаолиятини янги босқичга кўтариш, амалий ишларни янада кўпайтириш — давр талаби. Депутатлар, партия гуруҳларига берилаётган ваколатлар уларни янада жонкуярлик билан меҳнат қилиш, ташаббускор ва фаол бўлишга чорлаши зарур. Шундагина аҳоли ўзи қўллаб-қувватлаган партия, ўзи сайлаган депутатдан рози бўлади, унга ишончи ортади.

Бахтигул ЮНУСОВА,
ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси

MILLIY TIKLANISH
48 (480) 2017 йил 22 ноябрь, чоршанба

Танқидий таҳлил

ЮРТИМИЗ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ

УНИ ХОРИЖИЙ САЙЁҲЛАРГА ҚАЙ ДАРАЖАДА ЕТКАЗА ОЛЯПМИЗ?

Юртимиз тарихи ва маданий ёдгорликларини кўриб ундан ҳайратланмаган, олам-олам завқ ва таассурот олмаган сайёҳ топилмаса керак. Хоҳ у хорижлик бўлсин, хоҳ юртдошларимиз, мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий қадамжоларини қатта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатади, ўз навбатида, Ўзбекистон тарихи ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлади.

Афсона ва тўқималар тарихий ҳақиқатга соя соляпти

Яқинда Бухорои шарифга борган дугонам Арк қалъасини саёҳат қилгани, бу ердан Бухоро тарихига оид кўплаб маълумотлар олгани, қизиқарли мақола тайёрлаш нияти борлигини айтиб қолди. Дарҳақиқат, Бухоронинг энг кўҳна маданий мерос объектларидан бири Арк қалъаси бўлиб, у Бухоро шаҳрининг маркази ҳисобланган. Бухоро арки милоднинг бошларида қурила бошланиб, XVI асрда Шайбонийлар сулоласи даврида ансамбл ҳолига келтирилган. Арк қалъасида Рудакий, Фирдавсий, Абу Али ибн Сино, Фаробий, Умар Хайём сингари улуғ инсонлар яшаб, ижод қилганлар. Арк тўғрисида Абу Али ибн Сино "Мен бу ердаги кутубхонада шундай китобларни топдимки, уларни аввал кўрмаганман ва умримда бошқа кўрмадим ҳам. Мен уларни ўқидим ва шундан кейин ҳар бир олимнинг ўз фани бўйича ўрнини англадим. Менинг олдимда фанларнинг тубидаги шундай эшиклари очилдики, мен уларни тасаввур ҳам қилолмасдим. Арқдаги кутубхонанинг кейинги тақдири сир бўлиб қолган. Кутубхона жанглардан бирида талаб кетилган бўлса ажаб эмас", деган маълумотни қолдирган. Мана шу далилларнинг ўзиёқ бу қадимий обида бизгача қанчадан-қанча талотўпу қирғинбаротларни бошидан кечириб етиб келганини англатади. Менда Арк хусусида шундай маълумотлар мавжуд эди. Аммо дугонам Арк қалъасидаги хон тахти ҳақиқий эмаслиги, унинг асли Тошкентдаги Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланишини айтганида ҳайратдан ёқа ушладим. Бу ёлғон маълумот экани, тарих музейида бундай экспонат йўқлигини айтганимда, у "ахир бу маълумотни сайёҳлар билан юрган таржимон-гид айтди-ку, наҳотки, у хорижликларга юртимиз ҳақида нотўғри маълумот берган бўлса", деб мақола ёзиш ниятидан қайтганини айтди. Бу эса туризм, соҳадаги кадрлар тайёрлаш масаласи, гидлар фаолияти, уларнинг малакаси борасида мақола ёзишга туртки берди.

Бугун мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш, туризм кадрлари салоҳиятини юксалтириш, Ўзбекистон тарихини холис ўрганиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётган бир пайтда сайёҳлар билан мулоқот қилувчи гидларнинг хатога йўл қўяётгани, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатаётганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бу, ўз навбатида, қуйидаги саволларга жавоб топиш истагини пайдо қилди: туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш, улар малакасини ошириш бугун замон талаби даражасидами? Гидлар фаолияти қандай йўлга қўйилган? Сайёҳларнинг бу борадаги фикри қандай? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида соҳа мутахассислари ва сайёҳларга мурожаат қилдик.

ЎзМТДП туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини ўрганди

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи Илҳом Расулов. — Шу боис партия мамлакатимизнинг халқаро ижобий имижини шакллантиришда туризмни самарали восита деб ҳисоблайди, бу бойликнинг жаҳон демократик ҳамжамияти умумбашарият тарихий мероснинг ажралмас бир қисми сифатида тан олиниши йўлида кенг қамровли саъй-ҳаракатларни амалга оширишга интилмоқда.

Туризм ривожи юртимиздаги маданий мерос объектлари, тарихий обида ва қадамжоларни ўрганиш, уларни жаҳонга намойиш қила олиш билан боғлиқ жараён. Бунда, айниқса, туризм соҳаси кадрларининг малакаси, билим ва савияси муҳим аҳамият касб этади. Бугунги ахборот глобаллашуви даврида соҳа кадрлари ҳар жиҳатдан билимли бўлиши, хорижий тилларни пухта ўзлаштириши ва, айниқса, юртимиз тарихини яхши билиши зарур. Шу боис партиямиз бу борада амалий саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Дастлабки ишни туризмга ихтисослашган ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш тизими, ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси, ўқув-амалиёт жараёнларини ўрганишдан бошладик. Ўрганишларимиз ҳам пойтахт, ҳам вилоятлар кесимида амалга оширилди.

Ўрганишлар натижаси таълим муассасаларида туризм соҳаси бўйича замонавий дарсликларга эҳтиёж борлигини кўрсатди. Бундан ташқари, уларда хорижий тиллар ва гуманитар фанлар бошқа йўналишдаги касб-ҳунар коллежлари билан бир хил стандартда ўтилмоқда. Бу ниҳоятда тўғри эмас. Чунки сайёҳларга хизмат кўрсатишда Ўзбекистон тарихининг ўзига хос, беқиёс қирраларини очиб бериш, тарихимиз билан боғлиқ энг қизиқарли ва жозибадор маълумотлардан бохабар бўлиш жуда муҳим. Шундан келиб чиқиб, мазкур фанларни ўқитиш бўйича туризм коллежлари учун махсус стандарт ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Ўқувчилар фақат инглиз тили эмас, корейс, испан тилларини ҳам ўрганишни хоҳлашларини билдирди. ЎзМТДП вакиллари айни пайтда бу каби ўрганишларни туризм кадрларини тайёрлашга ихтисослашган олий ўқув юртлари факультетларида ҳам олиб боришни режалаштирган.

Маданий мерос объектлари ҳақида илмий маълумотлар етарли эмас

Кўриниб турибдики, туризм соҳаси кадрларини тайёрлаш борасида муайян камчилик ва муаммолар мавжуд. Энг қизиғи, Ўзбекистон тарихи фани соҳа ўқув муассасаларида бошқа ўқув юртлари билан бир хил ҳажмда ўқитиляпти. Уларни ўрганиш жараёнида масаланинг иккинчи тарафига ҳам эътибор қаратдик.

— Юртимизда бугунги кунда 7 мингдан ортиқ маданий мерос объектлари рўйхатга олинган. Уларнинг аксарияти ҳақида тарихий-илмий маълумотларга эгамиз, — дейди Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бошқармаси бўлим бошлиғи Алишер Ёркулов. — Лекин, афсуски, айрим маданий ёдгорликлар ҳақида оғиздан оғизга кўчиб ўтган ривоят ёхуд афсоналардан бошқа ҳеч нарса сақланмаган. Шу боис айрим обидаларни таништиришда фақат афсона ва ривоятлар билан чекланиб қолинмоқда. Бундай маданий мерос объектлари илмий тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда мана шундай маданий мерос объектлари маълумотлар базаси яратилмоқда. Ушбу маълумотлар базасида илмий тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган барча тарихий, илмий маълумотлар жой олиши кўзда тутилган. Илмий тадқиқот ишлари республикамизнинг барча ҳудудида олиб борилаяпти. Тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган маълумотлар республикамиз ва хориждаги илмий-оммавий ахборот воситаларига мунтазам тақдим этилади. Ўйлаймизки, бу тадқиқот ишларидан сўнг барча маданий мерос объектлари ҳақида илмий асосланган хулосаларга эга бўламиз.

Кадрлар малакасини ошириш — муҳим вазифа

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг маълумотига кўра, туризм фаолияти субъектлари ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши, тармоқ туризм фанларини ривожлантириш мақсадида қўмита тузилмасида "Туризм соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш республика маркази" давлат унитар корхонаси ташкил этилган. Гидлар ва йўриқчи-йўл бошловчилар уч йилда камида бир марта лицензияловчи орган, яъни мазкур марказнинг малака сертификатини олиши шарт. Ушбу марказ пойтахтимизда жойлашган бўлиб, унинг Хоразм вилоятида филиали мавжуд. Марказ вилоятларда профессор-ўқитувчилар билан биргаликда сайёр курслар ҳам ташкил этади.

Малака ошириш курслари ва шаҳарлар ҳақидаги маълумотларни марказ ўзининг расмий веб-сайти, Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифаси ҳамда барча тадбиркорларни электрон жўнатмалар орқали хабардор қилади. Малака ошириш курслари ўн кун давом этади. Якунда туризм соҳаси кадрлари ва гидлар аттестациядан ўтказилади: имтиҳон топшириб, уч йилгача амал қилувчи малакавий сертификат ҳамда категория, экскурсия фаолияти ва муайян шаҳар кўрсатилган бейжикка эга бўладилар.

Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб гидлар (экскурсия етакчилари), кузатиб борувчи-йўриқчилар фақат Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан бериладиган малака сертификатига эга бўлганидан кейин хизмат кўрсатиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Гувоҳнома битта шаҳарда (доимий яшаш жойида) фаолият юритиш учун берилади. Агар гид бошқа шаҳарларда ҳам (Самарқанд, Бухоро, Хива) фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлмоқчи бўлса, унда у ҳар бир шаҳар учун алоҳида бир ойлик курсларда ўқиши лозим.

Тегишли сертификат, бейжик ва патентсиз фаолият юритаётган гидларни аниқлаш юзасидан Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, маҳаллий ҳокимият ва "Туризм соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш республика маркази" ДУК вакилларига сайёҳлик мавсумида рейдлар ўтказиш ваколати берилди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси расмий ва соҳавий интернет саҳифалари, шунингдек, ҳудудий бошқармалари ва ваколатли вакиллари орқали шу соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлар (туроператор ва гидлар) билан амалдаги қонунга риоя қилиш лозимлиги ҳақида профилактика ишлари олиб боради, қонунбузарликка қарши кўриладиган чоралар ҳақида эслатмалар тарқатади.

Самарқандда гид-таржимонлар фаолияти қандай?

Фикримизни Самарқанд вилояти мисолида давом эттирамиз. Вилоятда 194 туристик компания фаолият юритмоқда. Шундан 90 таси сайёҳлик фирмаси, 104 таси меҳмонхона.

— Гидлик фаолиятини амалга оширишда уларнинг малакаси, дунёқараши, хорижий тилни пухта билиши муҳим аҳамиятга эга, албатта, — дейди "СамИСИ Сайёҳ плюс тур" фирмаси директори Зуҳра Сатторова. — Фаолиятни амалга ошириш қоидаларига мувофиқ махсус сертификатга эга бўлган гидлар "Туризм соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш республика маркази" томонидан малака ошириш курслари ва аттестациядан ўтишлари белгилаб қўйилган. Аммо махсус ўқув курсларини битириб, сертификатга эга бўлган гидларнинг деярли 30-40 фоизи малака ошириш ва аттестациядан ўтмасдан фаолият юритмоқда. Бунинг олдини олиш учун қатъий назорат ўрнатиш лозим. Махсус бейжикка эга бўлмаган гидларнинг экскурсия олиб боришини тақиқлаш вақти келди.

Маданий мерос объектларига киришни махсус ўрнатилган турникетлар орқали амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш зарур. Бу билан вилоятимизга ташриф буюраётган сайёҳлар сони бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлишимиз мумкин. Сайёҳларга қулайликлар яратиш мақсадида тарихий обидаларга кириш чипталарини онлайн сотиш, аудио ва радио гид тизимини йўлга қўйишни таклиф қилган бўлардик.

Бугун Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларида туризмга ихтисослашган коллежлар мавжуд бўлиб, уларда малакали кадрлар тайёрланмоқда. Бироқ коллежни тамомлаган ёшлар бу соҳада сертификатсиз фаолият юритиши мумкин эмас. Сертификат эса диплом олгандан сўнг 9 ой давомида Тошкентда малакасини ошириб келгандан кейин берилади. Бу ҳам ўзига хос бир жиддий муаммо. Бунда фақат молиявий имконияти етарли кишигина сертификат олиши мумкин. Ваҳоланки, ўз устида ишлайдиган, дунёқараши кенг, билими юқори, аммо молиявий имконияти етарли бўлмаган битирувчилар анчагина.

Биз сайёҳлик фирмамизга гидларни ишга қабул қилишда маълум бир мезонлар, яъни билими, малакаси, ўзини тутиши, муомала маданияти ва хизмат нархига аҳамият берамиз. Очиғини айтиш керак, бугун таржимонларнинг фаолиятини қониқарли деб бўлмайди. Улардаги билим ва малака кўнгилдагидек эмас. Аксарият гид-таржимонлар билан суҳбатлашсангиз, ўз устида ишламаслиги кўриниб туради. Баъзиларининг юртимиз тарихига оид билимлари етарли эмаслиги боис, сайёҳларнинг саволларига умуман нотўғри жавоб қайтариши ҳоллари кузатилади. Масалан, яқинда тарихий қадамжоларимиздан бирида бир таржимон хорижликларга рус тилида тарихимизни нотўғри талқин этаётганига гувоҳ бўлдим. Бу, албатта, кузатувчининг ғашини келтирадиган ҳолат, айниқса, шу соҳа вакили бўлса. Ёки меҳмонларга бўлар-бўлмас гап айтиш, обидаларимиз ҳақида ўзича афсоналар тўқиш ҳам гид-таржимонлар орасида кўп учрайдиган ачинарли ҳолатдир.

— Гидлар фаолияти ҳақида гап кетар экан, бу соҳадаги муаммоларга тўхталмасликнинг иложи йўқ, — дейди "СамИСИ Сайёҳ плюс тур" оператори Азамат Сатторов. — Таржимонлар учун ўқув-қўлланмалар мавжуд эмас, қолаверса, уларни ўқитиш услуби ҳам замон талабларига жавоб бермайди. Сертификатга эга бўлмаган таржимонлар ваколатли ташкилотлар томонидан назорат қилиниши зарур. Улар бугунги кунда хорижлик меҳмонлар билан бемалол, ҳеч қандай ҳужжатсиз ишлашаяпти. Ваҳоланки, туристик фаолиятни лицензиялаш тартиби бор. Қолаверса, Самарқанд вилоятида тадбиркорларга туризм соҳаси фаолиятини лицензиялаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Туризм фаолиятини лицензиялаш Комиссияси ишчи органига керакли ҳужжатларни тақдим этиш бўйича Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Самарқанд вилояти минтақавий бўлими томонидан консультатив маслаҳатлар бериб борилмоқда.

Сайёҳлар фикри — холис фикр

Бирор масала юзасидан тўғри фикрни доимо холис ва бетараф инсон бергани маъқул. Шаҳарда фаолият юритаётган гид-таржимонлар ҳақида холис фикрни билиш учун сайёҳларга юзландик.

— Мен юртингизга бир неча бор келганман, — дейди швейцариялик сайёҳ Сара Фрай. — Таржимонларнинг малакаси, тил билишига эътирозим йўқ. Лекин баъзи бир масалаларда ўз фикримни билдирмоқчиман. Айрим гид-таржимонлар ўзларининг ташқи қиёфасига умуман аҳамият қаратмайди. Ахир бир юрт ҳақидаги қараш, энг аввало, унинг одамлари ҳақидаги тасаввурдан бошланади. Уларнинг исм-шарифи акс этган бейжиклари ҳам йўқ. Таржимонларнинг исм-шарифини айтиб мурожаат этишга қийналасан. Яна бир далил. Мен Самарқандга ҳар келганимда бир хил маълумотга эга бўламан. Яъни гидлар фақат бир хил маълумотларни такрорлашади. Кейинги йилларда юртингизда жуда кўп ўзгаришлар ва янгиланишлар юз бермоқда. Биз бу ҳақда ҳам билишни истардик.

— Бугун юртимизда зиёрат туризмини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди фарғоналик зиёратчи Муяссар Отажонова. — Фарғонадан Самарқанднинг муборак қадамжолари, тарихий обидаларини зиёрат қилиш учун келдик. Шаҳарнинг марказида жойлашган обидаларда зиёратчилар учун барча шароит яратилган. Аммо, биз бу тарихий обидалар билан бирга шаҳардан четда жойлашган "Ҳазрати Довуд" қадамжосини ҳам зиёрат қилишни ният қилган эдик. Аввало, зиёратгоҳни топиш осон бўлмади. Чунки зиёратгоҳнинг йўл харитаси йўқ экан. Унга боргунча бирорта ҳам йўл кўрсаткичи учрамади. Одамлардан сўраб-суриштириб етиб бордик. Бу биринчи муаммо.

Қадамжодаги кичик, ундан ичкарироқдаги улкан ғор ҳайратимизни оширди. Лекин унинг тарихи ҳақида ҳам жуда қисқа, ҳам ғайриилмий маълумот берилган. Ўқитувчи бўлганим боис буни дарров англадим ва дилим оғриди...

Хулосага ҳали бор...

Мухтасар айтганда, туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун, аввало, соҳада кўринмасдек туюлган муаммоларни ҳал қилиш лозим. Биз бугунги кунда мавжуд бўлган муаммолар юзасидан мутахассислар ва сайёҳлар фикр-мулоҳазаларини жамоатчиликка ҳавола этдик, холос. Мулоҳаза ва хулоса қилиш, ушбу муаммоларни бартараф этиш ваколатли ташкилотлар зиммасидаги масала. Чунки, ички туризмни ривожлантирмасдан, соҳадаги кадрлар салоҳиятини юксалтирмасдан ёки маданий мерос объектлари ҳақида илмий асосланган маълумотларни шакллантирмасдан туриб соҳа ривожига эришиш қийин. Бу каби муаммоларни бартараф этиш бир жиҳатдан таржимон-гидларга ҳам боғлиқлигини унутмаслик жоиз.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Электорат манфаати

Мамлакатимизда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида қадимий анъаналарни замонавийлик билан уйғунлаштирган ҳолда ҳунармандчиликнинг янгидан-янги турлари яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3 ноябрь куни ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида берилган топшириқларнинг ижроси ўлароқ, Навоий вилоятида ҳам ҳунармандларга янги имтиёзлар берилмоқда, қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

ҲУНАРМАНДЛАР МУРОЖААТЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Навоий вилояти ҳудудида ҳунармандчилик азалдан ривожланган бўлиб, уста-ҳунармандлар авлодлари соҳа тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келаётир. Маълумотларга кўра, бугунги кунда вилоятда ҳунармандликнинг 26 тури мавжуд бўлиб, айниқса, Нурота, Хатирчи, Қизилтепа ва Кармана туманларида кенг тарқалган. Вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳрида ҳунармандлар марказлари фаолият юритмоқда, бозорлар ва савдо мажмуаларида махсус савдо расталари ташкил этилган. Бу эса харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ёшлар, хотин-қизлар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурида ҳам ушбу соҳа ривожига кўмаклашишга, партия электорати бўлган ҳунармандлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Партия вилоят кенгаши фаоллари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари бу борадаги мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, жойларда ҳунармандлар билан доимий мулоқот қилишга, уларнинг муаммоларини ўрганишга интилмоқда. Жумладан, халқ депутатлари Кармана туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Азамат Қувонов партия вилоят кенгаши ходимлари ҳамда "Ҳунарманд" уюшмаси туман бўлими вакиллари билан ҳамкорликда ҳудуддаги Талқоқ ва Мирсаид Баҳром номидаги маҳаллаларда бўлди. Улар мазкур маҳаллаларда ҳунармандчилик билан шуғулланувчи фуқароларнинг фаолияти, иш шароити, уларни ўйлантираётган муаммолар билан танишди, ҳунармандларнинг мурожаатларини тинглади.

Ўрганишлар давомида Талқоқ маҳалласида темирчилик билан шуғулланувчи Фахриддин Эшпўлатов иш фаолиятини кенгайтириш нияти борлигини, бунинг учун қўшимча жойга эҳтиёж сезаётганини айтиб, маҳалладаги бўш турган эски бинолардан бирини ижарага олишда кўмак сўради. Унинг мурожаати юзасидан депутат Азамат Қувонов туман ҳокимлигига депутатлик сўрови юборди ва ижроси назоратга олинди. Яқин фурсат ичида ушбу мурожаатнинг ижобий ечим топиши яна бир ҳунарманд фаолияти кенгайишига хизмат қилади.

Мирсаид Баҳром номидаги маҳаллада ганч ўймакорлиги билан шуғулланувчи Илҳом Кенжаев ганч ишлаб чиқариш учун каучукли қолипга эҳтиёж сезаётганини, ушбу маҳаллада тикувчилик билан шуғулланиб, миллий кийим-кечаклар савдосини йўлга қўйган Зилола Боймуродова имтиёзли кредит эвазига янги ускуналар сотиб олиш ва фаолиятини янада кенгайтирмоқчи эканини билдирди. Ушбу масалалар ҳам депутат назоратига олинди.

— Учрашувлар жараёнида кўплаб ҳунармандларнинг иш шароитини ўргандик, мурожаатларини қайд этиб олдик, — дейди депутат Азамат Қувонов. —Биргина Талқоқ маҳалласи ҳудудида йигирмадан ортиқ ҳунарманд оила истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти ўз фаолиятини янада кенгайтириб, оилавий даромадини оширишни, янги иш ўринлари яратишни истайди. Бунинг учун албатта, алоҳида жой, янги дастгоҳлар, қўшимча маблағ керак бўлади. Уста-ҳунармандларнинг шароитлари яхшиланиши, ўз навбатида, янги иш ўринлари ташкил этилишига ҳам замин яратади. Шу боис ҳам ҳудуддаги ҳунармандларнинг ҳар бир мурожаатини ўрганиб, турли ташкилотлар кўмагида уларга ижобий ечим топишга интилмоқдамиз. Зеро, бугун давлатимиз раҳбари раҳнамолигида соҳа ривожига, ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга партиямиз ва биз депутатлар ҳам кўмакдош бўлишимиз зарур.

Юртимизда бой маданий мерос ва тарихий анъаналарни сақлаб қолиш ва кўпайтириш, миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ЎзМТДП дастурий вазифалари билан уйғун ва ҳамоҳангдир. Бу жараёнда партия ташкилотлари ва депутатларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги партия электорати манфаатлари ҳимоясида муҳим ўрин тутади. Шу боис Навоий вилоятидаги партия ташкилотлари ва гуруҳлари ушбу соҳа ривожига, ҳунармандларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларга доимий эътибор қаратади.

Шоҳиста МУСТАФОЕВА,
ЎзМТДП Кармана тумани кенгаши етакчи мутахассиси

Матбуот анжумани

БАРҲАЁТ САНЪАТКОР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида яқин кунларда ўтказилиши мўлжалланган тадбирлар ва намойиш этилажак саҳна асарларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Режага кўра, шу йилнинг 23 ноябрь куни Ўзбекистон халқ артисти Саттор Ярашев таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси, 26 ноябрда Ж.Пуччинининг қайта саҳналаштирилган "Флория Тоска" спектакли премьераси ва 30 ноябрь куни мазкур спектаклнинг Жупар Габдуллина — сопрано (Қозоғистон), Вячеслав Волич — дирижёр (Беларусь, Россия) иштирокидаги иккинчи премьераси бўлиб ўтади. Шунингдек, шу йилнинг 23 декабридан 2018 йилнинг 14 январига қадар "Қарсилдоқнинг қайтиши" мусиқали эртаги намойиш этилиши ҳақида маълумот берилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бой тарихга эга бўлиб, Марказий ва Жануби-шарқий Осиёдаги энг катта санъат кошонасидир. У Ўзбекистондаги етакчи театрлардан бири, миллий ифтихоримиз, ўзига хос маданият маркази ҳисобланади. Театр ижодий жамоаси мамлакатимизда театр санъати соҳасида эришилган ютуқларни, миллий театр мактабининг ўзига хос анъаналарини нафақат юртимиз, балки чет эл томошабинларига намойиш этиб келмоқда. Катта театрнинг опера ва балет, концерт дастурлари, санъат фестиваллари мусиқа санъати мухлисларининг юксак эътирофига сазовор бўлган.

Бу, албатта, театр жамоасининг машаққатли меҳнати маҳсулидир. Саттор Ярашев театрнинг ана шундай заҳматкаш фидойиларидан бири эди.

У Бухоро вилоятининг Вобкент туманида таваллуд топган. Аввалига Вобкент туман театрида фаолият юритган санъаткор кейинчалик Бухоро вилоят мусиқали драма театрига таклиф қилинади. У ерда театр дарғалари бўлмиш Етим Бобожонов, Маннон Уйғур каби улуғ санъаткорлардан сабоқ олади, тажриба орттиради. Шундан сўнг бир муддат Тошкент вилоятининг Янгийўл туман театрида ҳам меҳнат қилади. Театрнинг 1946 йилда Тошкентга кўчирилиши унинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театридаги фаолиятига замин яратади. Саттор Ярашев яратган "Фарҳод ва Ширин"даги Фарҳод, "Муқанна"даги Муқанна, "Офтобхон"даги Темуржон образлари мухлислар меҳрини қозонади. Ёшлигидан ашула айтишга қизиққан санъаткор шу даврда қўшиқчилик репертуарини ҳам бир қанча ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар билан бойитади.

Москва давлат консерваториясидаги таълим Саттор Ярашев истеъдодидаги янги қирраларни очди. У Тошкентга қайтгач Озарбойжон композитори Узеир Ҳожибековнинг "Кўрўғли" операсида Равшан образини ижро этади ва мусиқа ихлосмандлари қалбидан чуқур жой олади. Кейинчалик асар муаллифлари ва театрга катта шуҳрат келтирган "Тоҳир ва Зуҳра", "Майсаранинг иши", "Лайли ва Мажнун", "Гулсара", "Дилором", "Бўрон", "Улуғ канал" каби операларда бош ролларни ижро этади.

— Саттор Ярашевнинг театр жамоасида алоҳида ўрни бор эди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳайдарали Қосимов. — У ҳар бир роли учун ойлаб, лозим бўлса, йиллаб тайёргарлик кўрарди. Ҳар бир образ ички дунёсига чуқур кириб бора оларди. Бу ҳаяжон ва кечинма, табиийки, томошабинни бефарқ қолдирмас эди. Ҳақиқий санъаткор аслида мана шундай бўлиши керак. Саттор Ярашев нафақат бизнинг, балки театр жамоасининг ҳам фахри эди. У ўзи яратган образлари билан ҳамиша барҳаёт.

Саттор Ярашев 30 йилдан ортиқ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида меҳнат қилди. У етмишдан ошганида ҳам саҳнада ашула айтди, рол ижро этди. Сўнгги нафасигача ёниб қуйлади.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бугуннинг гапи

Бугунги кунда чиқинди муаммоси бутун дунё аҳлини ташвишга солмоқда. Урбанизация жараёни жадаллашиб, аҳоли сони ўсаётган ва унинг эҳтиёжини қондириш учун миллионлаб турдаги товарлар ишлаб чиқарилаётган бир пайтда чиқиндиларни қайта ишлаш ва уларнинг утилизацияси энг катта экологик муаммолардан бирига айланди. Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича бир йилда 5 миллиард 754 миллион килограмм чиқинди ташланади, унинг фақат 30 фоизигина қайта ишланади. Қолгани аста-секин она сайёрамизни қопламоқда.

ЧИҚИНДИ — КЕЛАЖАК КУШАНДАСИ

ЛЕКИН У ҚАЙТА ИШЛАНСА, ФОЙДАДАН ХОЛИ БЎЛМАЙДИ

Чиқиндиларни қайта ишлаш бугун муҳим масалалардан бирига айланди. Айниқса, бу саноати ривожланиб бораётган шаҳарларда долзарбдир. Айни пайтда йирик шаҳарлар чиқиндиси унинг ташқарисига олиб чиқиб ташланади. Ривожланган мамлакатларда қайта ишланишга яроқсиз материаллар биогаз, биоқувватга айлантирилади. Маҳаллий бошқарув ва ўз-ўзини таъминлаш Сан-Франциско институтининг ходими Д.Мориснинг фикрича, дунёнинг ҳар бир шаҳри йирик металл конига нисбатан кўпроқ металга эга. Бугунги куннинг асосий вазифаси — чиқиндига чиқариб ташланадиган ана шу метални самарали равишда қайта ишлаш ва ундан фойдаланишдан иборат. Чиқиндиларни қайта ишлаш электр энергияси ва сувдан фойдаланишни бир неча баробарга камайтиради. Масалан, алюминийни боксит ўрнига чиқиндидан ажратиб олиш электр қувватининг сарфи ва атроф-муҳит ифлосланишини 95 фоизга камайтиради. Макулатурадан қоғоз олиш нафақат дарахтлар кесилишидан асрайди, балки электр қувватининг сарфини тўртдан уч қисмга камайтиради. Яъни 1 тонна қоғозни қайта ишлаб чиқаришга уни ёғочдан тайёрлаш учун кетадиган сувнинг ярми сарф бўлади, холос.

Афсуски, аҳолининг аксарият қисми қайта ишланган чиқиндидан тайёрланган буюмларни соғлиққа зарар, деб ҳисоблайди. Аксинча, чиқиндини қайта ишлаш металлни қазиб олиш ёхуд қоғоз тайёрлашдан кўра анчагина арзонга тушиши билан бирга, аввало, атроф-муҳит тозаланиши, инсон саломатлиги яхшиланиши, табиий ресурслар тежалиши, сайёранинг "ўпка"си бўлмиш ўрмонлар кесилишининг олдини олади.

Хўш, нима учун чиқинди тобора кўпайиб бормоқда? Бунинг асосий сабабларидан бири фойдаланиш муддати ўта қисқа бўлган буюмларнинг кўплаб ишлаб чиқарилишидир. Шаҳарларнинг ўсиши, фаровонлик сари интилиш, бир марта ишлатиладиган буюмларга тезкорлик билан ўтиш, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, кенг миқдорда айнан кимёвий моддалардан ясалган полиэтилен, пластмасса, шишанинг ишлатилиши ушбу муаммони вужудга келтирди.

Айни пайтда мамлакатимизда 186 чиқинди полигони мавжуд бўлиб, уларга 33,4 миллион тонна чиқинди кўмилган. Бундан ташқари, 2016 йилда 566 санкцияланмаган чиқиндихона рўйхатга олиниб, уларга ҳар куни 15,3 минг тоннага яқин чиқинди ташланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 21 апрелдаги "2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мавжуд муаммоларни ҳал этиш, экология ва санитария муҳитини янада яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, маиший чиқиндиларни тўплаш ва ташиб кетишни тартибга солишга қаратилган. Ҳозирда чиқинди муаммосини бартараф этиш бўйича республикамизнинг барча ҳудудида аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

2002 йили "Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинган бўлиб, унинг асосий вазифаси чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва улардан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланишни таъминлашдан иборатдир. Шунингдек, қонунда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари этиб белгиланганди.

— Мамлакатимизда чиқинди муаммосини бартараф этиш учун, биринчи навбатда, тадбиркорларимиз эътиборини мана шу соҳага қаратишимиз зарур, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Зумрад Бекатова. — Чиқиндини қайта ишлайдиган корхоналар сонини кўпайтириш билан бирга, ривожланган мамлакатлардаги каби уни саралаш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш зарур. Оддий сабзавотлардан чиқаётган чиқинди, нон увоғи учун алоҳида қутилар қўйиш ва уларни уй ҳайвонларига бериш ота-боболаримиздан қолган удум. Уларни саралагандан сўнг яна бошқа бир ахлатхонага ташлаш ҳеч қандай самара бермайди. Чиқиндини ажратиш ва уни алоҳида контейнерларда олиб кетиб, қайта ишлаш зарур. Бундан ташқари, белгиланмаган жойга ахлат ташлаганлик учун катта миқдордаги жарима жорий этиш ва уни амалга оширилишини назорат этиб бориш ҳам фойдадан ҳоли эмас. Буни Сингапур давлати мисолида ҳам кўриш мумкин. Чиқинди муаммоси ва аҳолининг бу борадаги хатти-ҳаракати юқори жарима орқали ҳал этилди ва ҳозирда Сингапур дунёнинг энг тоза мамлакатларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш билан боғлиқ айрим ҳуқуқий меъёрларни янада такомиллаштириш талаб этилади. Жумладан, **чиқиндиларни истифода қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари ваколатларини янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини зарарсизлантириш, улардан қайта фойдаланиш, ушбу масалаларда тадбиркорлик фаолияти учун қулай имкониятларни яратиб бериш, соҳага инвестицияларни кенг жалб этишни назарда тутувчи меъёрларни жорий этиш лозим. Бундан ташқари, амалдаги қонунга чиқитсиз технологиялар жорий этилишини, чиқинди қайта ишланишини рағбатлантиришга қаратилган аниқ меъёрлар киритилиши зарур.**

Аҳолининг бу борадаги саводхонлигини ошириш ва маданиятини юксалтиришда ташвиқот ишларини кучайтириш билан биргаликда жойларда экологик жамоатчи инспекторлар фаолиятини такомиллаштириш зарур. Шунингдек, аҳоли гавжум жойларда ахлат қутиларини кўпайтириш, белгиланмаган жойга чиқинди ташлаган фуқарога катта миқдорда жарима кўринишидаги маъмурий жазо қўллаш ҳам, шубҳасиз, шаҳар ва қишлоқларимиз тозалиги, сой ва арик, каналлардан тоза сув оқишини таъминлайди.

Бизда ҳам белгиланмаган жойга чиқинди ташлаганлик учун маълум миқдорда жарима белгиланган. Аммо бунга на аҳоли, на масъул ташкилотлар амал қилади.

Испанияда машина деразасидан ахлат улоқтирганлик учун 200 евро, сигарет қолдиғини йўлакка ташлаш 90 евро миқдорда жаримага асос бўлади. Германияда ахлоқсиз фуқаролар "чиқинди изқуварлари" томонидан ушланади. Кўчага ўрнатилган видеокамера орқали махсус қутига ташланмаган ахлат учун аҳолининг ана шундай қатламига 100 еврогача жарима солинади. Сигарет қолдиғи, музқаймоқ ёки конфет қоғози, салқин ичимлик шишасини ерга ташлаш 20 евро, сақич, қолдиқ овқат улоқтириш 35 еврони ташкил этса, эски мебель, электрон техникани ташлаганлик учун 150 дан 600 еврогача жарима тўлашга сабаб бўлади. Швецияда ерга ташланган қоғоз унинг эгасига 90 евро, Сингапурда эса 300 дан 1000 долларга тушади.

Чиқинди муаммоси ечими ишлаб чиқарувчиларнинг ўз маҳсулотларини сотув нуқталарида маҳсулотлар қадоқларини қайтариб олишни ва уни қайта ишлашни йўлга қўйиши, чиқиндиларни қайта ишлайдиган корхоналар сонини кўпайтириш, маиший чиқиндидан қишлоқ жойларда биогаз ишлаб чиқариш ускуналарини ўрнатиш ва бу борада тадбиркорларга имтиёзлар беришда кўринади. Шунингдек, аҳолининг бу борадаги экологик маданиятини ошириш, чиқиндини саралаш ва уларни мақсадли қайта ишлашни йўлга қўйиш зарур. Биргина биогазни ишлаб чиқариш миқдорини кўпайтириш атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳамда жойларда аҳолининг газга бўлган эҳтиёжини қондириш муаммосини ҳал этади.

Чиқиндилар билан курашиш ҳар биримизнинг вазифамизга айланиши керак. Ўсиб келаётган ёш авлодни табиатга, унинг неъматлари, ўсимлигу ҳайвонларга, қушларга нисбатан меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашимиз, табиатда салбий из қолдираётган ҳаракатларимиздан тийилишимиз зарур. Унда фарзандларимиз учун чиқиндидан ҳоли яшил ўтлоқни, арикдан ичса бўладиган зилол сувни, ис газлардан ҳоли тоза ҳавони, кимёвий ўғитлар билан ишлов берилмаган унумдор тупроқни қолдириш имконига эга бўламиз.

Наргис ҚОСИМОВА,
журналист

ММММда

ЯНГИ ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР

БАНК ТЎЛОВЛАРИНИ ТЕЗ ВА ҚУЛАЙ АМАЛГА ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Шу йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, "Агробанк" акциядорлик тижорат банки 3 миллион дона пластик карта, жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар учун 19 мингга яқин корпоратив пластик картани муомалага чиқарди.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида "Агробанк" АТБ томонидан пластик карта тизимини такомиллаштириш, соҳага жорий этилаётган инновацион ғоялар ва уларни янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида маълумот берилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда банк-молия тизими такомиллашиб бормоқда, интерактив хизматлар, хусусан, аҳолига пластик карталар орқали хизмат кўрсатиш сифати мунтазам оширилаётир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги "Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

— Банк филиалларида 33 та банкомат ва 120 та инфокиоска мижозларимизга хизмат кўрсатмоқда, — дейди "Агробанк" АТБ Пластик карталар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Зафаржон Мамажонов. — Улар орқали иш ҳақи, пенсия тўловларини юклаш, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилган. Шу билан бирга, молия муассасамиз пластик карталар билан ишлаш тизимида замонавий интерактив хизмат турларини ривожлантириш юзасидан қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда. Масалан, янги ташкил этилган "Мобил савдо" хизмат тури воситасида чакана савдо ёки пуллик хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчилар мобиль телефонлари орқали харид қилинган товарлар учун тўловларни "Агробанк-клик" хизматига уланган тарзда амалга ошириши мумкин. Айни пайтда ушбу инновацион хизмат турига уланган савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалар сони 7 мингдан ошди. Унинг яна бир афзаллиги юридик ва жисмоний шахслар мазкур жараёнда Интернетга уланиши шарт эмас. Компаниянинг алоқа тармоғи ишлаб турса, кифоя. Тўловлар USSD хизмати орқали амалга оширилади.

Яқинда жорий қилинган замонавий "Agrobankmobile" хизмат тури воситасида мобиль илова орқали солиқ, божхона, коммунал хизматлар, уяли алоқа ва шаҳар телефонлари, Интернет-сайтлар, телевидение, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари ҳамда суғурта хизматлари ва бошқа тўловларни амалга ошириш имконияти яратилди.

"Агробанк" томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар учун "Agrobankmobile-Biznes" мобиль иловаси ҳам йўлга қўйилган бўлиб, унда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисоб рақамларидаги маблағларни тасарруф этиши, товар ҳамда хизматлар учун тўловларни ўтказиши, турли ҳисоботларни шакллантириши мумкин. Бундан ташқари банк тизимида NFC (қисқа масофадан тўлов) карталари жорий этилган бўлиб, у орқали шаҳар жамоат транспортида йўл ҳақи тўловларини тез ва қулай амалга ошириш имконияти яратилмоқда. Айни пайтда 30 мингта ана шундай карталар ва 300 дона терминал келтирилди. Ушбу карталар ҳозирда Андижон вилоятида синовдан ўтказилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига атроф-лича жавоб қайтарилди.

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасига мувофиқ, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдир. Асосий қонунимизнинг мазкур талабидан келиб чиққан ҳолда Оила кодексида ота-оналарнинг вояга етмаган фарзандларини тарбиялаш, таълим бериш ва моддий таъминлашга доир ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хусусан, унинг 96-моддасида ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлиги, ушбу мажбуриятни ихтиёрий равишда бажармаган ота (она) дан суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилиши белгиланган.

Миллий матбуот марказида Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бошқармаси ташкил этган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

Амалдаги қонунчиликда давлат томонидан амалга ошириладиган ижтимоий таъминот борасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга "нафақа" сўзи ишлатилади. Алимент мажбуриятлари эса фақат оила аъзолари ўртасида, яъни оилавий-ҳуқуқий муносабатлар жараёнида вужудга келади.

— Алимент ундиришда боланинг ота-онаси ўзаро никоҳда экани ёки улар ўртасидаги никоҳ тугатилгани муҳим эмас, — деди жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани суди судьяси Аҳрор Ҳошимхонов. — Бунинг учун туғилганлик ҳақидаги гувоҳномада қайд этилган ота-оналик ҳамда болага ихтиёрий равишда таъминот беришдан бўйин товлаш билан боғлиқ далил асос бўлади. Қонунчиликда алимент тўлови шартларига амал қилмаган, ундирилиши лозим бўлган маблағни уч ойдан ортиқ муддат давомида тўламаган ота-оналар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнида юзага келаётган муаммоларни жойида бартараф этиш чорасини кўриш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар, мажбурий ижро бюроси, бандлик, маҳалла, ёшлар ташкилотлари ҳамкорлигида "Суд қарорларини ижро қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни янада кучайтириш тўғрисида"ги қўшма фармойиш қабул қилинган.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида суд қарорларини ижро этиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни янада кучайтириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар дастури тасдиқланган. Алимент тўлашдан бўйин товлаб келаётган қарздорлар билан жамоатчилик ўртасида ана шу асосда муҳокама ўтказиш амалиёти мунтазам йўлга қўйилди. Бу таъсирчан механизм амалда ўз самарасини бериб, кўпчиликнинг бола олдидаги масъулияти ошишига кўмаклашмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish"мухбири

ММММда

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Миллий матбуот марказида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижроси бўйича тизимда амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, олий маълумотли кадрларнинг мақсадли мезонларини шакллантириш, олий таълим муассасаларига ихтисослик йўналишлари ва мутахассисликларни ҳудудлар ва соҳалар бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни комплекс тараққий эттириш истиқболларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш мақсадида соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалиги соҳалари учун давлатимиз раҳбарининг "2017-2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ давлат грантига мақсадли қабул квоталари шакллантирилди.

Соғлиқни сақлаш таълими йўналишларида халқаро тажриба инобатга олиниб, ўқиш муддати 7 йилдан 6 йилга қисқартирилди. Барча олий таълим муассасаларининг 2030 йилга қадар ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

440 бакалавриатура таълим йўналиши, 554 магистратура мутахассисликлари учун намунавий ўқув режа ва малака талаблари ҳамда 3 мингдан ортиқ намунавий ўқув дастури тасдиқланди, 352 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этиш учун тавсия қилинди.

Шунингдек, тадбирда 2017-2018 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси танлови натижалари бўйича маълумот берилди. Таъкидланганидек, мазкур нуфузли стипендияларга 10 бакалавр, 11 магистр лойиқ топилган.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясини халқаро ҳуқуқ ва муносабатлар йўналиши бўйича олганман, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси Нигора Махмасобирова. — 35 дан зиёд илмий мақола ва 3 рисолам нашрдан чиққан. Айни вақтда "Инновацион кластерларни шакллантиришнинг жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда ундан фойдаланиш истиқболлари" мавзуида магистрлик тадқиқоти олиб боряпман. Бугун дунёнинг илғор давлатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётида инновация ва конструктив инсон омиллари ҳал қилувчи куч сифатида намоён бўлмоқда. Шу боис мамлакатимизда инновацион фаолиятнинг ривожланиши жуда муҳим саналади. Тадқиқотдан мақсад — Ўзбекистонда инновацион кластерларни шакллантиришнинг назарий асосларини яратишдан иборат.

Анжуманда педагог кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини сифат жиҳатидан мунтазам ошириб бориш, педагог ва илмий ходимларнинг амалиёти, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD ва хорижий магистратура дастурлари асосида ўқитиш йўлга қўйилгани ҳақида маълумотлар тақдим этилди.

Айни вақтда тизимда масофадан ўқитиш устида иш олиб борилмоқда. Бунинг учун ҳар бир олий таълим муассасасида селектор заллари ташкил этилган бўлиб, келгусида талаба-ёшларга мамлакатимиз ва хорижнинг етакчи профессор-ўқитувчилари маърузаларини онлайн тарзда тинглаш имконияти яратилади.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish"мухбири

Реклама

Ҳурматли юртдошлар!

ASAKA BANK

"АСАКА" БАНК

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

миллий валютада:

"ҚАДРИЯТ"
Омонатнинг сақланиш муддати 2 ой.
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"БАРАКАЛИ"
Омонатнинг сақланиш муддати 6 ой.
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"ФАРОВОН ТУРМУШ"
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой.
Ҳисобланган фоизлар омонат расмийлаштирилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

хорижий валютада:

"МАДАД"
(АҚШ долларида)
Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой.
Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"ШОДИЁНА"
(АҚШ долларида)
Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой.
Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"СТАБИЛЬНЫЙ-1"
(Евро)
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой.
Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан бирга, "Асака" банк миллий валютада 17 турдаги ва хорижий валютада 10 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
— миқдори чекланмаган!

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сиргали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади

"Асака" банк сармоянгиз сақланиши ва қўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган

Тадбир

Маданият соҳасини ислоҳ қилиш ва уни янги босқичга олиб чиқиш бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ЛОЙИҲАЛАР

МАЗМУН-МОҲИЯТИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Маданият вазирлиги ўтказган матбуот анжумани айни шу мавзуга бағишланди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган маданий-маърифий лойиҳалар, халқимиз, хусусан, навқирон авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, ўтмиш ва боқий меросни улуғлаш, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий удумларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган тарғибот ишлари ҳақида маълумот берилди.

Таъкидланганидек, "Орол ва Мўйноқнинг қайта тикланиши" мавзуида халқаро экофестиваль, Мўйноқ туманида халқ шоирлари Бердақ ва Ажиниёз ижодига бағишланган халқаро фестиваль ҳамда "Орол балиқларидан 99 турдаги таом" гастрономик фестивалининг ташкил этилиши ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий, маънавий юксалиши, Орол денгизи атрофида ички ва халқаро туризм ҳамда экотуризмни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Анжуманда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш бўйича таклифи юзасидан вазирлик олдида турган вазифалар, Россия, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистонда ўтказилган Ўзбекистон маданият кунларининг якунлари атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Маданият вазирлиги ўртасида имзоланган меморандумлар, ҳамкорликда олиб борилаётган саъй-ҳаркатлар аҳоли, айниқса, ёшлар тарбияси, уларнинг миллий қадрият ва анъаналарга содиқ бўлиб вояга етишида муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган маданий тадбирлар, амалга оширилган ишлар мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди.

Мухтор АБДУЛЛАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Миллий матбуот маркази ҳамда Гидрометеорология хизмати маркази ҳамкорлигида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва унинг оқибатларига мослашиш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича олиб борилаётган амалий ишларнинг самаралари, ушбу муаммонинг олдини олишда БМТ Яшил иқлим жамғармаси билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида сўз борди.

Марказий Осиё иқлим ўзгарувчанлигининг кучайиши ҳамда узоқ муддатли глобал иқлим ўзгариши натижасида содир бўлаётган таъсирларга энг кўп учрайдиган минтақа саналади. Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб Ўзбекистонда иқлимнинг исиш тенденцияси кузатилмоқда ва ҳарорат ҳар 10 йилда ўртача 0,29 даражага ошиб бормоқда. Айниқса, сўнгги ўн йил давомида иқлим ўзгариши билан боғлиқ салбий ҳодисалар сув ресурслари танқислиги ҳамда қурғоқчилик ҳолатининг юзага келишига сабаб бўлаётир. Иқлим ўзгаришининг олдини олиш, унинг оқибатларига мослашиш бўйича керакли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш муҳим вазифа саналади.

— Иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари бугунги кунда дунё аҳлини ташвишга солаётган муаммолардан бирига айланган, — деди Гидрометеорология хизмати маркази бош директори вазифасини бажарувчи К. Орипов. — Мамлакатимизда иқлим ўзгаришига доир муаммоларни бартараф этиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, об-ҳаво ҳодисаларини олдиндан аниқлаш ва аҳолини бундан ўз вақтида хабардор этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

БМТнинг Яшил иқлим жамғармаси иқлим ўзгаришини углеродларни атмосферага кам чиқариш ҳамда иқлим барқарорлигига асосланган ривожланишни молиялаштириш орқали ҳал қилишга қаратилган глобал ташаббусларни илгари сурмоқда. Жамғарманинг бош қароргоҳи Жанубий Кореянинг Сонгдо шаҳрида жойлашган. Гидрометеорология маркази ўз ваколати доирасида Яшил иқлим жамғармаси билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Матбуот анжуманида Яшил иқлим жамғармаси билан ҳамкорлик истиқболлари, иқлим ўзгаришидаги салбий оқибатларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, келгусидаги вазифалар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Н. АНВАРАЛИЕВА,
"Milliy tiklanish"мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

ЗОТИЛЖАМ — ЎПКА ЯЛЛИҒЛАНИШИ КАСАЛЛИГИ

Зотилжам (пневмония) ушбу касаллик қўзғатувчисининг ўпка ва нафас йўлига тушишидан бошланади. Хасталик ҳаво-томчи йўли орқали юқади.

Ушбу дарднинг яширин даври хасталик қўзғатувчисининг турига қараб 2-3 кун давом этади. Сўнгра ўпкадаги яллиғланиш жараёни фаол босқичга ўтади ва альвеола бўшлиғида йирингли суюқлик тўплана бошлайди. Касаллик, айниқса, иммун тизими паст, кашанда, тез-тез асабийлашадиган, руҳий зўриқишдан азият чекадиган одамларда авж олади. Зотилжамнинг ривожланишига юқори нафас йўлларининг яллиғланиши ҳамда грипп ва ўткир респиратор вирусли инфекцияларнинг асорати ҳам сабаб бўлади. Қолаверса, пневмококк, стрептококк, микоплазма, хламидия, кўк йиринг таёқчаси каби ўта юқори даражадаги заҳарли ва хавфли касаллик қўзғатувчилари ҳамда турли вируслар, бактериялар, замбуруғларнинг заиф иммун тизимли организмга тушиши зотилжамга туртки беради.

Бемор оёқда ўтказган грипп асорати, ўткир респиратор вирусли инфекциялар сабабли ҳам пневмонияга чалиниши мумкин. Дастлаб хаста кишини бир неча кун давом этувчи грипга ўхшаш тумов (бурун битиши, ундан сув келиши ҳамда тез-тез аксириш, кўз ёшланиши), йўтал, тана ҳароратининг бирдан кўтарилиши, аъзои баданнинг титраб-қақшаши безовта қилади. Одатда бундай жараёнда тана ҳарорати дори таъсирида ҳам тушмайди. Сўнгра бу белгиларга қўшимча равишда организмнинг касаллик қўзғатувчиси таъсирида заҳарланиши (интоксикация) аломатлари, яъни беморда тез толиқиш, бош оғриғи, иштаҳанинг йўқолиши кузатилади.

Зотилжам бошлангач 3-5 кун ўтиб, беморни қуруқ йўтал безовта қилади. Кейин эса нам йўтал сабабли балғам кўчади. Ўпка тўқимаси яллиғлангани сабабли беморнинг кўкрак қафасида оғриқ кузатилади. Агар ўпка буткул пневмонияга чалинган бўлса, хаста одам нафас олганида ва йўталганида ҳам оғриқ пайдо бўлади. Баъзан бу аъзоларда бўғиқ "ғижиллаш" овози аниқ эшитилади. Шунингдек, беморни ҳансираш ҳам безовта қилади. Бу белги ўпканинг кўп соҳаси яллиғланганги, нафас етишмовчилиги бошланганидан дарак беради.

Ушбу касалликнинг дастлабки босқичида ташхис қўйиш учун беморнинг шикояти, қон, пешоб, балғамнинг лаборатория таҳлиллари синчиклаб ўрганилади ҳамда кўкрак қафасини, албатта, рентген қилиш талаб этилади. Агар ўпканинг рентген тасвирида нуқсонли ўзгаришлар кузатилса, нафас етишмовчилиги бошланмаслиги учун қўзғатувчи турига қараб антибиотиклар тавсия этилади.

Катталарда хасталик белгилари зотилжам қўзғатувчиси турига қараб намоён бўлади. Айрим пайтларда пневмонияга тўғри ташхис қўйиш қийин кечади. Аммо ушбу касаллик белгиларини дард бошланган дастлабки босқичларда аниқлаш зарур. Зеро, ўз вақтида даво муолажаларини бошлаш жуда муҳим. Акс ҳолда бу хасталик оғирлашиб, мудҳиш оқибатларга олиб келади.

Беморнинг таомномасида, албатта, мева-сабзавотлар ҳамда гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, балиқ, кўкатлар ҳам бўлиши зарур. Шунингдек, тоза ҳавода сайр этиш ҳамда тўғри овқатланиш ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш, зарарли одатлар (ичиш, чекиш, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш)дан воз кечиш ҳам иммун тизимини мустаҳкамлайди. Бу ижобий омиллар беморнинг тезда тузалиб, оёққа туришига ёрдам беради.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Эълон!

"Ўзбекистон" республика санаторийлари фаолиятини қайта тиклаш ва модернизациялаш жамоат фонди Васийлик Кенгашининг 2017 йил 25 октябрдаги 17-сонли баённомасига асосан "Электромагнит мослашув маркази" давлат унитар корхонаси томонидан 240,010 миллион сўм ҳомийлик пул маблағи ўтказилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши халқ депутатлари Элликқалъа туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

Халилла ҚУШНАЗАРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1116, Адади — 4850. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Муҳтарама КОМИЛОВА
Навбатчи: Мухтобек АБДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 00.40. Топширилди — 01.10.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345